ЯНГИ ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАГА МУВОФИҚ 4-5

8 2019 ЙИЛ: МДҲНИНГ МУҲИМ ВОҚЕЛИКЛАРИ

WWW.MV-VATANPARVAR.UZ

VATAN@EVO.UZ

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!

VATANPARVAR

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефон орқали сканер қилинг.

2020 йил 24 январь, № 4 (2859)

МАЪНАВИЯТ МАЪРИФАТ САЛОҲИЯТ

10 МЕҲРНИНГ ҚУДРАТИ

12 ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ

18 МАВСУМ САРҲИСОБИ

22 «ЖЎХОРИ ГУРТИКНИ, ҚОРА ЧОЙНИ ЯХШИ КЎРАМАН»

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИДАН

ИҚТИБОС

Минтақамизда очиқлик ва миллий манфаатларни ўзаро ҳисобга олиш тамойилларига асосланган янги сиёсатни амалга ошириш доирасида Қуролли Кучларимиз Марказий Осиёнинг барча мамлакатларидаги ҳамкасблари билан яқин шериклик алоқаларини ўрнатди ва мустаҳкамламоқда. Сўнгги йилларда биз бир қатор қўшма ўқув машғулотларини биргаликда ўтказдик. Шунингдек, юқори даражадаги ҳарбий делегацияларнинг ташрифларини ташкил этдик, тезкор ва жанговар тайёргарлик борасида тажриба алмашдик.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли қўшма мажлис иштирокчилари!

Муҳтарам депутат ва сенаторлар!

Сизлар билан куни кеча бўлиб ўтган тадбирларда парламент палаталарининг келгуси 5 йилдаги устувор вазифалари ҳақида батафсил гаплашиб олдик.

Бугун эса Бош вазир номзоди ҳамда Ҳукуматнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастурини кўриб чиқиб, халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимиз равнақи учун муҳим қарор қабул қилишимиз керак. Чунки иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг барқарор ривожланиши учун айнан Бош вазир ва у раҳбарлик қиладиган Ҳукумат масъул ҳисобланади.

Биз ўтган 3 йилда давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, барқарор бозор иқтисодиётини шакллантириш ва тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий соҳалар, жумладан, тиббиёт, таълим ва илм-фан йўналишларидаги ишларни такомиллаштириш бўйича қатор ислоҳотларни бошладик.

Маъмурий ислоҳотлар концепцияси доирасида аввал эгаси бўлмаган соҳаларда 12 та мутлақо янги давлат бошқаруви органлари ташкил этилди, 20 та вазирлик ва идора фаолияти тубдан такомиллаштирилди.

Ижтимоий-иқтисодий соҳанинг устувор йўналишларини ўрта ва узоқ муддатда жадал ривожлантириш бўйича 3 йилда 30 дан ортиқ концепция ва стратегиялар қабул қилинди.

Ҳукуматнинг, вазирлик ва идоралар, жойлардаги ҳокимлар, бутун давлат бошқаруви тизимининг асосий вазифаси – ислоҳотлар доирасида қабул қилинган ушбу дастурий ҳужжатлар ижросини қатъий таъминлаш, реал натижадорликка эришишдан иборатдир.

Бу борада олдимизда жуда кўп муаммоли масалалар турибди. Айрим муҳим йўналишларда амалга оширилаётган ислоҳотларимиз бир текис бораётгани йўқ.

Айниқса, ёқилғи-энергетика, геология, транспорт, қурилиш, йўл қурилиши, тадбиркорлик, аграр тармоқни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, ичимлик суви таъминоти, аҳоли яшаш шароитларини яхшилаш масалаларида халқимиз биздан янада кўпроқ ва аниқ натижалар кутмоқда. Ҳозирча Ҳукумат ушбу соҳалар бўйича зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ уддаламоқда, деб айтишга ҳали эрта.

Жойларда жуда кўплаб муаммо ва масалалар ўз ечимини топиши зарур. Одамларимизнинг талаб ва эҳтиёжлари кун сайин ўсиб бормоқда. Шунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг барча янги аъзоларидан ўзлари масъул ва жавобгар бўлган соҳаларга танқидий ёндашиб, зиммаларидаги вазифаларни самарали бажаришлари талаб этилади.

Бир сўз билан айтганда, амалий натижадорлик ва халқ манфаатларини рўёбга чиқариш ҳар бир Ҳукумат аъзоси фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони бўлиши шарт.

Биз келгуси беш йил учун юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш, солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш, саноат тармоқлари, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, уй-жой ва коммунал соҳаларни ривожлантириш борасида катта марраларни белгилаб олдик. Жумладан, ялпи ички маҳсулотни қарийб 2 баробар ошириш ёки 58 миллиард доллардан 100 миллиард долларга етказиш зарур.

Инфляция даражасини 5 фоизга камайтириш, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш Ҳукумат, Марказий банк ва барча даражадаги ҳокимларнинг умумий вазифаси бўлиши керак.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар йиллик ҳажмини 10 миллиард долларга етказиш ва экспорт ҳажмини 30 миллиард долларгача кўпайтириш керак. Ушбу устувор вазифаларга эришиш учун иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларида аниқ натижаларни таъминлаш талаб этилади. Жумладан, иқтисодиётнинг асосий драйверларидан бири бўлган қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш, диверсификация асосида экспорт ҳажмини кескин ошириш, соҳага аграр ва сувни тежайдиган юқори технологияларни жорий этишга қаратилган, узоқ муддатга мўлжалланган стратегия қабул қилинди.

Энг муҳими, бу ишларимизнинг бош мақсади – фермер ва деҳқонларнинг манфаатдорлигини янада ошириш, қишлоқларда замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ва янги иш ўринлари барпо этишдан иборат.

Бошоқли доннинг ўртача ҳосилдорлигини 75 центнерга етказиш, умумий экин майдонлари таркибида озуқа экин майдонларини 12 фоизга кенгайтириш лозим.

Мева-сабзавотчилик ва чорвачилик, таъбир жоиз бўлса, қишлоқ хўжалигининг асосий локомотивлари бўлиши керак.

Мева-сабзавотчиликда экспорт ҳажмини 2025 йилда камида 5 миллиард доллардан ошириш, бунинг учун кооперация ва кластер тизимини жадал жорий этиш, маҳсулотни сақлаш, ташиш ва қайта ишлашнинг яхлит ва замонавий инфратузилмасини ташкил этиш ва янада кенгайтириш лозим.

Чорвачиликни ривожлантириш мақсадида замонавий чорва комплекслари ва оилавий кооперациялар барпо этиш, илм-фан ва юқори технологияларга асосланган ҳолда чорва наслини 60 фоизга яхшилаш учун барча чораларни кўриш зарур.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида Ҳукумат олдида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини келгуси беш йилда 2,5 баробар ошириш вазифаси ҳам турибди.

Глобал шароитда, айниқса, минтақамизда йилдан-йилга камайиб бораётган сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича кечиктириб бўлмас чораларни кўриш талаб этилади.

Келгуси беш йилда суғориладиган ерларнинг камида 30 фоизига томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш ва бошқа сув тежайдиган технологияларни жорий этиш зарур. Шунингдек, сув ҳисобини юритиш тизимини татбиқ қилиш ҳамда сув балансини мунтазам равишда олиб бориш керак.

Давлат-хусусий шерикликни кенг жорий этиш ҳисобидан сув иншоотлари эксплуатация ва инвестиция харажатларини камида 15 фоизга қисқартириш чораларини кўриш лозим.

Замонавий технологиялар ҳисобидан рақобатдош ва илғор қишлоқ хўжалиги техникаларини етарли даражада ишлаб чиқариш орқали фермер ва кластерларни техника билан таъминлаш кўрсаткичини ҳозирги 45 фоиздан камида 70 фоизга етказиш зарур.

Бу борада импорт қилинаётган маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг ташқи бозорларга чиқишини алоҳида назоратга олиш керак.

Иқтисодиётни жадал ривожлантириш йўлидаги энг катта хавф-хатарлардан яна бири – бу нефть-газ ва энергетика тармоғидаги мавжуд муаммолар билан боғлиқ.

Ҳукумат бу соҳаларни трансформация қилиш, уларга хусусий секторни фаол жалб этиш, ҳисоб-китобни жой-жойига қўйиш орқали ортиқча йўқотишларни тўлиқ қисқартириш ва талон-торожликларнинг олдини олиш бўйича таъсирчан чораларни кўриши зарур.

Нефть-газ соҳасида 2025 йилда ёқилғи маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 5,2 миллион тоннага ошириш, бунинг учун бу йил 4,1 миллиард долларлик 5 та объектни ишга тушириш керак.

Келгуси беш йилда электр энергияси ишлаб чиқаришни камида 80 миллиард киловатт соатга етказиш, шунинг камида 20 фоизини қайта тикланадиган энергия манбалари ҳисобидан таъминлаш талаб этилади. Шунингдек, 2020 йилда электр энергияси бўйича 7 миллион, 2022 йилда табиий газ бўйича 3,5 миллион истеъмолчиларни ҳисобга олиш ва уларнинг автоматлашган назорат тизимига уланишини таъминлаш учун Ҳукумат зарур чора-тадбирларни кўриши керак.

Мамлакатимизда мавжуд табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш учун барча амалий чораларни кўришимиз зарур. Бунинг учун Ҳукумат геология соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурий ҳужжатлар ижросини тўлиқ бажариши шарт.

Тоғ-кон саноатида амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришлар ва йирик инвестиция лойиҳалари ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2025 йилгача 1,5 баробар кўпайтириш лозим.

Мавжуд хом ашё базасини тўлиқ сафарбар этиш, чет элдан олиб келинаётган маҳсулотларни ўзимизда чиқаришни кўпайтириш, экспорт ҳажмини ошириш ҳисобидан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни шу даврда 3 баробар кўпайтириш энг муҳим вазифалардан биридир.

Тўқимачилик ва чарм-пойабзал саноати соҳаларида маҳаллий хом ашёни тўлиқ қайта ишлаш ва экспортни кескин ошириш зарур. Бу борада 2025 йилда тўқимачилик ва чарм саноатида юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқаришни 4-5 баробар ошириб, 8 миллиард долларлик экспортни таъминлаш керак.

Юқори технологиялар асосида электротехника саноатини жадал ривожлантириш, маиший техника ва саноат электр ускуналари, кабель маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш лозим. Бунинг учун бу йил ишлаб чиқаришни 1,5 баробар ошириб, экспорт ҳажмини 2022 йилгача 500 миллион долларга етказиш талаб қилинади.

Автомобиль саноатида 2023 йилгача енгил ва юк автомобиллари ҳамда автобуслар ишлаб чиқариш ҳажмини 360 минг донага етказиш, шундан камида 100 минг донасини хорижга экспорт қилиш соҳа масъуллари учун асосий вазифа бўлади.

Кимё саноатида нафақат мавжуд минерал ўғитлар ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, балки полимер, кичик тоннажли кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш керак.

Ҳукуматдан чет эл инвесторлари билан бирга табиий газни чуқур қайта ишлашга қаратилган янги йирик лойиҳаларни амалга ошириш талаб этилади. Шунингдек, Ҳукумат кимё саноатини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаб, тармоқда минерал ўғит ишлаб чиқариш улушини 76 фоиздан 33 фоизга камайтиришни ўзи учун асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб олиши лозим.

Фармацевтика соҳасида келгуси 5 йилда маҳаллий дори воситалари ишлаб чиқариш ҳажмининг ички бозордаги улушини 45 фоиздан 70 фоизга ошириш ва экспортни 100 миллион долларга етказиш зарур.

Биз хорижий туристлар сонини 12 миллион нафардан ошириш вазифасини белгилаб олганмиз. Буни амалга ошириш учун, биринчи навбатда, инфратузилмаларни яхшилаш, меҳмонхоналар сонини кўпайтириш, транспорт тармоқларини ривожлантириш ва хизматлар сифатини юксалтириш Ҳукумат ва ҳокимликларнинг асосий диққат-эътиборида бўлиши лозим.

Юқорида айтилган барча режаларни рўёбга чиқариш ҳисобидан ишсизликни 7 фоизга камайтириб, йилига камида 500 мингта иш жойи яратиш, аҳоли даромадини 2 баробар ошириш – янги Ҳукумат олдидаги муҳим вазифадир.

Ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар ҳам Ҳукумат олдига аниқ вазифаларни қўймоқда. Жумладан, аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлигини ҳозирги 74,6 ёшдан 76 ёшга етказиш ва гўдаклар ўлими кўрсаткичини ҳозирги 10 промилледан 1,5 баробар камайтириб, 7 промиллега тушириш лозим. Ўлим кўрсаткичини саратон касаллиги бўйича ҳозирги 73 фоиздан 65 фоизга, юрак-қон томир касалликлари бўйича эса бугунги 41 фоиздан 30 фоизга тушириш устида Соғлиқни сақлаш вазирлиги жиддий чора-тадбирлар кўриши керак.

Бундан ташқари, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, йўл инфратузилмасини ривожлантириш каби оғир ҳаётий масалаларни узил-кесил ҳал этиш лозим.

Шу билан бирга, зарур шарт-шароитларга эга бўлган уй-жойларда яшайдиган аҳоли сонини 65 фоизга етказиш устувор йўналишлардан биридир. Бу борада Ҳукуматдан, ипотека кредити беришнинг янги тартибига биноан, хусусий пудрат ташкилотларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлашнинг аниқ механизмларини жорий этиш талаб этилади. Бу масала бўйича барча вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг масъулиятини ошириш зарурлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Иссиқлик таъминоти соҳасида жорий йил Тошкент шаҳрида, 2022 йилга қадар Наманган, Жиззах, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш зарур.

Барчамиз бир фикрни чуқур тушуниб олишимиз керак: биз ўз олдимизга қўйган ана шундай устувор вазифалар – жуда мураккаб ва ҳақиқатан ҳам улкан марралардир.

Шу билан бирга, вақт ўтгани сайин дунё ҳам ўзгармоқда, одамларимизнинг яхши яшашга бўлган талаблари ҳам ортиб бормоқда. Энди кечаги натижа билан халқимизни рози қила олмаймиз. Бугунги кун ҳар куни изланиш, янгилик яратишни талаб этмоқда. Фақат ана шундай талаблар асосида иш олиб бориб, халқимизнинг ҳаётини яхши томонга ўзгартириш мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси ушбу вазифалар ижросини тўла таъминлаш учун иш услубини тубдан такомиллаштириши, ўз фаолиятини самарали ташкил этиши керак.

Биринчидан, Ҳукумат қонун, фармон ва қарорлар ижросини тўғри ташкил этиб, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳар бир туман ва қишлоққа, ҳатто олис ва чекка ҳудудларгача етиб боришини таъминлаши зарур.

Биз қанча мукаммал қонун, фармон ва қарорлар қабул қилмайлик, агар улар жойларда етарлича амалга оширилмаса, шунча меҳнат ва саъй-ҳаракатимиз натижаси сезилмай қолаверади. Шунинг учун вазирлик ва идоралар ҳамда жойлардаги ҳокимликлар ишини оқилона ва самарали йўлга қўйиш Вазирлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Маҳкамасининг бош вазифаси бўлиши лозим.

Энди ҳар бир топшириқнинг ижро этилгани қоғозга қараб эмас, эришилган пировард натижага қараб баҳоланади.

Шу боис, барча даражадаги ижро органларида интизомни кучайтириш, белгиланган вазифа ва топшириқлар натижадорлигини танқидий таҳлил қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш зарур.

Бунда Вазирлар Маҳкамаси ва Ҳисоб палатаси бир ой муддатда ижрони назорат қилиш борасидаги ёндашувларини тубдан такомиллаштириши лозим. Вазирлик ва идораларнинг қуйи тузилмалари билан биргаликдаги фаолияти устидан вертикал назорат ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

Энг асосийси, Ҳукумат марказий идораларнинг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда ҳокимликлар билан ҳамкорлигини ва улар ўртасидаги манфаатлар мувозанатини таъминлаш учун масъул ва жавобгар бўлади. Бунинг учун мамлакатимиз даражасида қарорлар қабул қилишда ҳокимликларнинг иштирокини ошириш лозим. Яъни ишлаб чиқилаётган қарор лойиҳаларини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳам келишиш тартибини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтмоқчиман, ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги ва маънавий ҳаётга оид қонун ҳужжатлари ижроси билан боғлиқ барча муаммолар ўз ечимини Ҳукумат даражасида топиши керак. Хусусан, туристлар оқимини кўпайтиришда ҳаво, темир йўл транспорти харажатларини камайтириш, билетлар нархини арзон қилиш, йўллар сифати ва инфратузилмасини яхшилаш каби қатор муаммолар мавжуд. Уларнинг ечими юзасидан Туризм қўмитаси ва Транспорт вазирлиги ўртасида ягона сиёсат ва ёндашув бўлиши керак.

Ёки инвестиция киритиш ва унга тўсиқ бўлаётган турли муаммолар бир вақтда муҳокама қилиниб, ўша жойнинг ўзида уларнинг ечимлари топилиши зарур. Шу боис, Ҳукумат аъзолари энг долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ҳафтада камида бир марта йиғилиб, халқимизни қийнаган муаммоларни ўртага ташлаб, юзма-юз ўтириб, муҳокама қилишлари, уларнинг ечимини тезкорлик билан, аҳил ва якдил жамоа бўлиб ҳал этиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган, лекин йиғилмасдан ва реал муҳокама ўтказмасдан қарор қабул қиладиган комиссия ва ишчи гуруҳларни тугатиш вақти етди.

Яна бир масала – ижро ҳокимияти идоралари қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан ижтимоий сўровлар ўтказиш орқали ва бошқа шакларда кенг жамоатчилик фикрини мунтазам равишда ўрганиб бориши керак. Шу билан бирга, электрон портал, ижтимоий тармоқларда махсус саҳифалар ташкил этиб, аҳоли билан «қайта алоқа» тизимини йўлга қўйиш лозим.

Иккинчидан, ҳар бир ижро органи ўзи масъул бўлган соҳани ўрта ва узоқ истиқболда ривожлантириш бўйича аниқ режа ва дастурларга эга бўлиши зарур.

Афсуски, ҳозирги кунда ҳамма раҳбарлар ҳам бу талабни тўлиқ тушунаётгани ва аҳамиятини чуқур англаб етаётгани йўқ, десак, бу ҳам тўғри бўлади. Аксарият мутасаддилар муаммоларнинг ўз вақтида олдини олиш ўрнига, бор куч ва ресурсларни уларнинг оқибатларини бартараф этишга самарасиз сарфламоқда.

Энди иш фаолиятини фақат ишхонасида ўтказган ва қоғозбозликка берилиб, амалий натижани кейинги ўринга тушириб қўйган раҳбарлар билан хайрлашамиз. Қонунчилик палатаси депутатларидан ҳам Вазирлар Маҳкамаси янги таркибини кўриб чиқишда ушбу масалаларга алоҳида эътибор беришларини сўраган бўлар эдим.

Тармоқ ва ҳудудлар раҳбарлари фаолиятини самарали ташкил этиш учун замонавий менежмент тизимига ўтишимиз лозим. Вазирлик ва идоралар раҳбарлари иш услубини ўзгартириб, масъулият ва жавобгарликни ўз зиммасига олишни ўрганиши керак.

Аҳоли ва тадбиркорлар муаммоларини ҳал этиш бўйича янги ташаббусларни илгари суриб, уларни ҳаётга жорий этиш раҳбарлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонига айланиши лозим.

Ўз вақтида ҳал қилинмаган муаммолар жойлардаги аҳоли кайфияти ва турмуш шароитига салбий таъсир кўрсатишини бир сония бўлса ҳам унутмаслигимиз зарур.

Бош вазир ва Ҳукумат аъзоларидан бошлаб ижро ҳокимияти органларининг барча даражадаги раҳбар ва ходимлари фаолиятига натижадорлик мезонлари (KPI) асосида баҳолаш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу тизимни халқаро рейтинг ва индекс кўрсаткичлари билан уйғунлаштириш талаб этилади. Бинобарин, улардаги баҳолаш мезонларининг барчаси халқимизнинг мушкулини осон этишга хизмат қилади. Ахир, биз учун энг муҳим, айтиш мумкинки, бирламчи вазифа айнан шу эмасми?

Мисол учун, Жаҳон банкининг ўтган йилги «Давлат бошқаруви индикатори»да мамлакатимиз 5 та кўрсаткич бўйича ўз ўрнини яхшилади. Бунга эришиш учун халқ дардини эшитадиган, унинг оғирини енгил қиладиган самарали тизим яратдик, матбуот эркинлиги ҳамда давлат идораларининг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни бошладик.

Бундан фойда бўлдими? Албатта, фойда бўлди.

Ёки яна бир мисол, 2 та солиқ турини бирлаштирганимиз «Бизнес юритиш» рейтингининг солиққа тортиш йўналишидаги кўрсаткичимиз яхшиланишига сабаб бўлди. Бундан ким кўп манфаат кўрди? Албатта, тадбиркор ва ишбилармонларимиз. Чунки солиқ тўлаш шакли ва жараёнлари кескин соддалашди.

Шунингдек, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини комплекс баҳолаш тизимини яратиш мақсадида Ҳудудларнинг ривожланиш индекси ишлаб чиқилиши лозим. Ҳукумат мазкур индекс асосида ҳудудларга оид сиёсатни белгилаши, маҳаллий бюджетларга молиявий кўмак бериш ҳамда раҳбарларни рағбатлантириш масалаларини пухта кўриб чиқиши керак.

Хусусан, тадбиркорликни ривожлантириш учун қайси ҳудудда инфратузилма етишмаяпти, қайси ҳудудга кўпроқ банк ресурслари ва субсидиялар керак, деган саволларга жавобни ана шу индекс кўрсатиб бериши зарур.

Учинчидан, давлат органлари фаолияти ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши устувор вазифага айланиши керак.

Ижро ҳокимияти органлари иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳалардаги ислоҳотлар, қабул қилинаётган ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳамда ижроси ҳақида халқимизга содда ва равон тилда тушунтириш бериб боришлари лозим. Бу борада оммавий ахборот воситаларидан, ижтимоий тармоқлар, веб-сайтлардан кенг фойдаланиш, матбуот анжуманлари, брифинглар, медиа-турлар ташкил этиш зарур.

Шунингдек, Ҳукумат, вазирлик ва идоралар, ҳудудлар раҳбарлари оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда кўтарилаётган долзарб масалалар бўйича тезкор чоралар кўриши ва уларга принципиал муносабат билдириши лозим. Бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш учун ҳар бир идора ўзининг медиа дастурини ишлаб чиқиши, Вазирлар Маҳкамаси бу масаланинг ижросини қатъий назоратга олиши зарур.

Ҳар бир вазирлик ва идора маълумотлар очиқлиги фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, ўзининг веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида маълумотларни мунтазам жойлаштириши ва янгилаб бориши зарур.

Яна бир масала – ҳозирги вақтда қарорлар лойиҳасини электрон портал орқали кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйиш тизими ишлаётгани, бу жараёнда халқимиз ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва ташаббуслари билан иштирок этаётгани ижобий натижа бермоқда.

Жумладан, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига қўйилган 4 мингга яқин қонун ҳужжатлари лойиҳасига 17 мингдан зиёд таклиф киритилган бўлиб, мингдан ортиқ ҳужжатлар қайта ишланган.

Шу билан бирга, қабул қилинган қарорларнинг амалда қандай ишлаётганини баҳолаш тизими мавжуд эмас. Вазирлар Маҳкамаси қарорларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги бўйича аҳоли фикрини ўрганиш тизимини амалиётда қўллаш юзасидан таклиф ишлаб чиқсин.

Ишончим комил, бундай чора-тадбирлар Ҳукуматни халққа яқинлаштиради. Айни вақтда қабул қилинаётган қарорлар сифати ва раҳбарлар масъулиятини ҳам оширади.

Тўртинчидан, қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мутлақо янги босқичга кўтариш ва унинг самарадорлигини оширишнинг фурсати келди.

Вазирлар Маҳкамаси парламентга тайёрлаб киритилаётган қонун лойиҳалари сифатини оширишга жиддий эътибор қаратиши зарур. Ҳукумат, ҳар бир вазирлик ва идора қонунчиликни янгилаш ва тизимлаштириш бўйича янгича иш услубига ўтиши лозим.

Қонунчилик палатасида қонун лойиҳалари ҳамкорликда кўриб чиқилишини, Ҳукумат – қўмита – Қонунчилик палатаси ўртасида фаолият уйғунлигини таъминлаш зарур.

Яна бир муҳим масала – ижро ҳокимияти органлари раҳбарларининг Олий Мажлис палаталари олдидаги ҳисобдорлигини янада ошириш керак. Бу борада ҳар йили Давлат дастури ижроси юзасидан Ҳукумат ҳисоботини эшитиш тизими жорий этилди. Энди ижро ҳокимияти органлари муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан парламент палаталари олдида мунтазам равишда ҳисобот бериши зарур.

Мазкур ҳисоботлар жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилиши лозим. Бу – қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ўзига хос мулоқот майдони сифатида ижобий натижасини кўрсатишига менда ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Қадрли дўстлар!

Конституциямизнинг 98-моддасига кўра, Бош вазир номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Хабарингиз бор, сайловларда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қонунчилик палатасида энг кўп, яъни 53 нафар депутатлик ўрнини эгаллади. Ушбу партиядан сайланган депутатларни ҳамда Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг барча аъзоларини ана шундай юксак натижа билан самимий табриклайман.

Партиянинг куни кеча бўлиб ўтган Сиёсий кенгаши мажлисида Бош вазир номзоди кўриб чиқилди ва Президентга тақдим этилди.

Бош вазир лавозимига номзод танлаш ва уни тасдиқлаш ҳақида гап борар экан, албатта, бу ўта мураккаб ва масъулиятли масала эканини барчамиз жуда яхши тушунамиз. Чунки бу лавозимга ҳар томонлама чуқур билим ва катта тажрибага, кенг тафаккур ва замонавий фикрлаш қобилиятига эга бўлган, жонкуяр, ўзига ва бошқаларга талабчан ҳамда ташкилотчи номзод танланиши зарур.

Албатта, турли синовларда тобланган, жавобгарликни зиммасига олишга қодир, одамлар билан тил топиша оладиган, уларнинг ҳурматини қозонган, қисқача айтганда, кўпни кўрган ва жонкуяр инсонни топиш анча оғир ва мураккаб вазифадир.

Шу маънода, бугун Сизларнинг муҳокамангизга тақдим этиладиган номзод ўз фаолияти ва аввалги лавозимларида амалга оширган ишлари билан элюртимиз эришган ютуқларга муносиб ҳисса қўшган шахс бўлиши керак.

Биз бу масала бўйича жуда кўп ўйлаб, тегишли маслаҳат ва кенгашлар ўтказдик. Жумладан, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси раҳбарияти ва фаоллари билан ҳам атрофлича маслаҳатлашиб олдик.

Билдирилган барча фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, мен ушбу ўта масъулиятли лавозимга ҳам амалий соҳада, ҳам марказий идораларда кўп йиллик бошқарув кўникмаси ва тажрибасига эга бўлган, сўнгги уч йил давомида Бош вазир лавозимида фаолият кўрсатиб келаётган Абдулла Нигматович Арипов номзодини тавсия этаман.

Абдулла Арипов бугунги кунда олдимизда турган жуда катта вазифаларни ҳал этишда Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини самарали ташкил этиш, Ҳукумат аъзолари, ҳокимлар ва бошқа раҳбарлар билан бир ёқадан бош чиқариб, барчани сафарбар қилиш салоҳиятига эга эканини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шунинг учун сиз, ҳурматли депутат ва сенаторлардан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тавсия этилган Абдулла Нигматович Арипов номзодини қўллаб-қувватлашингизни сўрайман.

Ҳурматли депутат ва сенаторлар!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқин кунларда парламентга тақдим этиладиган Мурожаатномасида Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ соҳалари ҳамда халқаро муносабатлардаги энг устувор вазифаларни батафсил муҳокама қилиб оламиз.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаб айтмоқчиманки, жонажон Ватанимиз тараққиёти йўлида бир тану бир жон бўлиб, белни маҳкам боғлаб ҳаракат қилиш, бошлаган ислоҳотларимизни жадал давом эттириш – келгуси 5 йилда Парламент учун ҳам, Ҳукумат учун ҳам ғоятда муҳим ва устувор вазифа бўлиб қолади. Шунинг учун барчангизни яқин ҳамкорликда иш олиб боришга чақираман.

Шу йўлда ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, фаолиятингизда улкан зафарлар, бахт ва омадлар ёр бўлишини тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

МАРДУ МАЙДОНЛАР

ЯНГИ ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАГА МУВОФИҚ

жанговар техникаларни ҳайдаш машғулотлари ўтказилади

Жанговар машиналар, зирҳли ҳарбий техникаларни маҳорат билан белгиланган андозаю меъёрлар асосида бошқарадиган, ўз техникалари устидан тўғри техник назорат кўрикларини мунтазам юритиб, уни нафақат ҳарбий мулк, балки ўз қадрдони – йигитнинг, жангчининг қаноти каби намуна ўлароқ ардоқлайдиган механик ҳайдовчилар шахсий таркиблари Мудофаа вазирлиги тизимида бисёр...

Қайд этиш лозимки, шу кунга қадар барча ҳарбий округларда ҳарбий техникаларни ҳайдаш амалиёти билан боғлиқ ўқув машғулотлар юксак даражада ташкиллаштирилиб, бу саъй-ҳаракатлар самарасининг акс садоси ҳам жаҳоний шов-шувларни юзага чиқарди. Эсланг, 2019 йил «Алабино» (Россия), «Фориш» тоғ полигонларида кечган Халқаро армия ўйинларида механик ҳайдовчиларимиз Т-72, ТАЙФУН-К каби ҳарбий техникаларни моҳирона бошқариб, дунё олқишига сазовор бўлганини...

Ана шундай натижаларнинг бардавомлигини назарда тутган ҳолда, шунингдек ҳарбий техникалар иштирокида кечадиган ҳайдаш амалиётларини яқдил кўринишга келтириш, айрим кичик номутаносибликларни бартараф этиш мақсадида Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳамда Қуролли Кучлар академияси дала-ўқув майдонларида Т-62, Т-72 танклари ва БМД, БМП, БТР каби жанговар машиналарни ҳайдаш бўйича ишлаб чиқилган ўқув қўлланма асосида кундузги-тунги амалий машғулот бўлиб ўтди.

Қуролли Кучлар Бош штаби томонидан ташкиллаштирилган машғулотда барча ҳарбий округдан жанговар тайёргарлик бўйича жалб этилган масъул офицерлар иштирок этди.

– Ушбу машғулотдан кўзланган асосий мақсад, мамлакатимизнинг қайси ҳудудида бўлмасин, жанговар техникаларни ҳайдаш ўқув машғулотларининг ўтказилиш тартиби, ҳайдаш амалиётидаги меъёрларни бажариш усуллари, қоидалари хусусида яқдил тўхтамга келиш, – дейди полковник Пўлат Сотиболдиев. – Шу мақсадда тайёрланган ўқув қўлланма эса келгусида ўтказиладиган ҳайдаш машғулотларининг дастуриламали бўлади.

Зирҳли ҳарбий техникалар билан «Йўлакли танкка қарши чуқур», «Портловчи мина тўсиғидаги йўлак», «Устунлар орасидаги йўлак», «Тўғри чекланган йўлак», «Ғов ва тўсиқлардан ўтиш» каби тўсиқлардан ўтиш тартиби, шунинг-

дек «Машиналарнинг туриш (тўхташ) тартиби», «Тўсиқ. Тўсиқлар ва манёвр участкаси. Тўсиқ ўлчовлари» қоидалари амалий машқлар мобайнида татбиқ этилди. Айниқса, «Жанговар машинани темир йўл платформасига юклаш ва ундан тушириш» машғулоти мураккаблиги билан эътиборимизни тортди.

Ёғингарчилик чоғида ушбу 2-меъёрни амалда бажариш механик ҳайдовчидан ҳам, ўқув нуқтаси раҳбаридан ҳам жиддий ёндашувни талаб қилди:

механик ҳайдовчи юклаш-тушириш вақтида ўқув нуқтаси раҳбарининг буйруғини аниқ ва ўз вақтида бажариш;

орқага ҳайдашни ишлатмасдан аппарель (платформа юзаси) устига чиқариш, сирпанмасдан ва двигателни ўчирмасдан унинг устига ҳаракатланиш;

темир йўл платформасида кескин бурилишларсиз, двигателнинг айланиш частотасини ўзгартирмасдан, темир йўл платформасининг юклаш-тушириш қурилмасининг жиҳозларини бузмасдан ҳаракатланиш;

темир йўл платформаси ва юклаш-тушириш қурилмаси орасига машина ғилдирагини туширмасдан манёвр қилиш каби қоидаларга тўлиқ риоя этган ҳолда машқ муваффақиятли бажарилди.

Механик ҳайдовчилар ўқув қўлланмада белгиланган ушбу меъёрларни тунда ҳам бажаришди. Амалий машқларни барча округдан келган масъул офицерлар бевосита кузатиб борди.

Тунги ҳолатда қўйилган вазифани бажариш самарасини ошириш учун механик ҳайдовчилар тунги кўриш мосламаларини ишга туширди. Бу ўз навбатида жанговар машиналарнинг беками кўст ҳаракатини таъминлади.

Қуролли Кучлар академияси дала-ўқув майдонида эса ҳарбий техникаларнинг «Ғов ва тўсиқлардан ўтиш» назорат машқи кундузги ва тунги ҳолатда бажарилди.

Айтиш мумкинки, ушбу ўқув машғулоти якунида кўзланган мақсадга эришилди. Иштирокчиларга ҳайдаш амалий машғулотлари бўйича янги ўқув қўлланма тарқатилди. Эндиликда масъул офицерлар ўз ҳарбий округ ва ҳарбий қисмларида шахсий таркиблари билан мазкур ўқув машғулотларини ташкиллаштириш тартибларини янги ўқув қўлланмага асосан мувофиқлаштиради.

Лейтенант Алибек ОМОНТУРДИЕВ,
«Vatanparvar»

Муаллиф суратга олган

БУГУНИМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

«ОТАМНИНГ ЮБИЛЕЙИГА СОВҒА БЎЛДИ»

14 январь куни юрт ҳимояси йўлида белига ғайрат камарини маҳкам боғлаган ва шу соҳада мардлик, жасорат ва фидойилик намуналарини кўрсатиб келаётган бир қатор ҳарбий хизматчилар Президентимиз фармонига кўра турли даражадаги Давлат мукофотлари билан тақдирланди. Улар орасида Марказий ҳарбий округда ўз хизмат бурчини ўтаётган капитан Барҳаёт Исматуллаев ҳам бор. Ҳали 30 ёшга тўлиб улгурмаган Барҳаётнинг «Жасорат» медали билан тақдирланиши унинг ўзи учун ҳам кутилмаган воқелик бўлди.

Қаҳрамонимиз 1990 йил 10 сентябрда Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида, ишчи оиласида туғилган, беш ўғилнинг ўртанчаси. 2013 йил Қуролли Кучлар академиясининг тактик қўмондонлик факультетини тамомлаган. Турмуш ўртоғи Мухлисахон Исматуллаева билан жажжи Мубинахонни тарбиялямоқда. Бокс бўйича спорт устаси, республика тоифасидаги ҳакам.

– Барҳаёт, адашмасам, 2005 йил Қарши шаҳрида бокс бўйича Ўзбекистон биринчилигида ғолибликни қўлга киритган эдингиз...

– Тўғри айтасиз, мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ спортга бўлган қизиқишим туфайли бокс тўгарагига қатнардим. Бу давр мобайнида вилоят ҳамда республика миқёсидаги бир қатор муобақаларда совринли ўринларни эгаллаганман. Кейинчалик Республика Олимпия захиралари коллежига ўқишга кириб, маҳоратимни оширдим.

– Демак, сиз иқтидорли спортчи сифатида Олимпиада ғолиби бўлишдан кўра Ватан ҳимоячиси бўлишдек шарафли касбни танлабсиз-да.

– Коллежда ўқиб юрган пайтларим «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг туман ҳамда шаҳар босқичларида қатнашдим. Айнан мана шу мусобақалар давомида ҳарбийликка қизиқиб қолдим ва Қуролли Кучлар академиясида ўқиб, офицер бўлишга қарор қилдим.

– Фарзандининг машҳур боксчи бўлишини орзу қилган ота-онангиз бунга қандай муносабат билдиришди?

– Қуролли Кучлар академиясига ҳужжат топшириб, имтиҳонлар жавоби чиқишига қадар бу маълумотни ва мақсадимни ота-онамдан сир тутдим. Курсант бўлиш орзусига эришганимдан кейин уларни янгиликдан хабардор қилдим. Бошида қарорим яқинларимни ранжитади, деб ўйлагандим. Аммо бу қувончли воқелик худди ўзим каби ота-онамни ҳам жуда хурсанд қилди. Ҳамма ота-оналар каби улар ҳам менинг ўқишимга муваффақият тилаб, оқ фотиҳа беришди.

– Давлат мукофотига муносиб топилганингизни билганингизда кўнглингиздан қандай ҳислар кечди?

– Камтарлик қиляпти, деб ўйламанг-у, аммо Ватан олдидаги бурчимни бажаришда қандайдир мукофотларни олишни мақсад қилмаганман. Лекин ҳар бир аскар генералликни орзу қилгани сингари мен ҳам келажакда тажрибали қўмондон ёки генерал бўлишни мақсад қилганман. Бу мақсадим йўлида, юртим осойишталигини таъминлашда ҳеч қачон изланишдан тўхтамайман. Берилган мукофотга тўхталадиган бўлсам, «Жасорат» медали соҳиби бўлиш ўзим сингари ёш офицерлар зиммасига генерал бўлишдек мақсади томон етаклашда улкан масъулиятни қўйиши аниқ.

– Шундай бўлса-да, ўнлаб сафдошларингиз орасидан айнан сиз танландингиз...

– Академияга ўқишга кирганимдан кейин боксга бўлган қизиқишимни бир четга суриб қўймадим. Турли мусобақаларда қатнашиб, аввалгидек совринли ўринларни эгаллашда давом эттирдим. Республика миқёсида ўтказилган Умумармия спорт ўйинларида академиямиз шарафини муносиб ҳимоя қилдим. Шунингдек, Франция ва АҚШ ҳарбийлари билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган машғулотларда сафдошларим билан ижобий натижаларни қўлга киритдик.

Бугунги кунда эса хизмат бурчимни ўтаётган ҳарбий қисмда қўл жанги ва бокс бўйича мураббийлик қиляпман. Бундан ташқари, жанговар тайёргарлик бўйича взвод командирининг ўринбосари сифатида қўл остимиздаги ҳарбий хизматчиларга имкониятим даражасида билганларимни ўргатяпман. Шогирдларимдан Алишер Шербоев икки марта ҳарбийлар ўртасида қўл жанги ва бокс бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ғолиб бўлди. Ҳусниддин Мамажонов эса Қозоғистонда ташкиллаштирилган халқаро мусобақада барча рақибларидан устун келди. Шунингдек, Ўткир Каримов республика биринчилигида 3-ўринни эгаллади.

Балки «Жасорат» медали менга мана шулар учун берилгандир. Нима бўлганда ҳам, шарафли бурчни бажариш давомида Президентимиз томонидан Давлат мукофоти билан тақдирланишимиз биз – ҳарбийлар учун улкан шараф, буюк ифтихор!

– Ҳарбий соҳадаги унвон ва мукофотлардан ташқари спортда қўлга кирита олмаган яна нималарга эришишим керак, деб ҳисоблайсиз?

– Аслида спортчилар ва ҳарбийлар ҳаёти айрим жиҳатлари билан бир-бирига ўхшаб кетади. Фаолиятим давомида бу икки соҳада ҳам ўзимни синаб кўрганлигим учун шуни ишонч билан айта оламанки, спортчи ва ҳарбийликнинг масъулиятини бажариш осон иш эмас. Тинимсиз меҳнат, тартиб-қоида, мураббий ёки командирлар топшириқларини бажариш – буларнинг барча-барчаси спортчини ҳам, ҳарбийликни танлаганларни ҳам ўз олдига қўйган мақсадлари сари олға ундайди.

Мана, бир неча йилдирки, Ўзбекистон ҳарбийлари халқаро мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Келажакда мен ҳам ўз сафдошларим билан биргаликда ана шундай халқаро мусобақаларда ғолиб бўлишни мақсад қилганман.

– Илгари сиз дуч келмаган ҳолат – мудофаа вазири Президент номидан «Жасорат» медалини топширган вазиятда роса ҳаяжонлангандирсиз?

– Албатта. Исм-фамилиям ўқилиб, саҳнага қандай чиқиб борганимни эслай олмайман. Чунки генерал-майор Баҳодир Қурбонов қаршисида «Ҳурматли мудофаа вазири, капитан Исматуллаев давлат мукофотини олиш учун келди», деб мурожаат қилишим, бунинг устига ўзим таълим олган даргоҳда бўлиб ўтаётган тақдирлаш маросимининг салобати ўзгача эди. Ўша пайтдаги ҳаяжонимни сўз билан ифодалаб беришим қийин.

– Бу хушхабарни биринчи бўлиб яқинларингиздан кимга етказдингиз?

– Залдан чиқишим билан ота-онамга телефон қилдим. Қувончимни улар билан бирга баҳам кўргим келди. Ота-онамнинг бу хушхабарни эшитиб, дуо қилишларидан ўзимда ғурурланиш ҳиссини туйдим. Шу кунларда отам табаррук 60 ёшни қаршиламоқда. Менга берилган «Жасорат» медали падари бузрукворимнинг юбилейига муносиб совға бўлди.

* * *

Фурсатдан фойдаланиб, Барҳаётнинг отаси Сойибжон ака билан ҳам телефон орқали боғландик.

– Ассалому алайкум, фарзандингизнинг юксак мукофоти сизга ҳам муборак бўлсин! Бу йилги Ватан ҳимоячилари куни байрами оилангизда қўшалоқ байрам бўлибди-да...

– Раҳмат. Бу хушхабар барчамизни бирдек мамнун қилди. Барҳаёт телефон қилган заҳоти онаси хурсандлигидан жиндай кўз ёш ҳам қилиб олди. Кейин ўғлимизни ҳам кўрсатиб қолади, деб телевизордан хабарларни кузата бошладик. Ўша кунги барча байрам дастурларини ҳаяжон билан томоша қилдик. 2009 йил Қуролли Кучлар академиясига ўқишга киргани ҳақидаги хабарни эшитганимизда ҳам худди шундай хурсанд бўлгандик.

Президентимиз фармонига кўра ўғлимнинг Давлат мукофоти билан тақдирлангани бир зумда маҳалламизга овоза бўлиб кетди. Сойибжон аканинг ўғлига «Жасорат» медали берилибди, деган гаплардан мен ҳам, турмуш ўртоғим Ҳикматой ҳам қанчалик ғурурланганимизни сўз билан таърифлаш қийин.

– Барҳаёт ёшлигида ака-укалари орасида қайси жиҳатлари билан ажралиб турарди?

– У ёшлигиданоқ мустақил қарор қабул қилиши, ўз мақсадига эришиш йўлида интилувчанлиги билан бизни қувонтирарди. Эсимда, мактабдаги ўртоқлари бокс тўгарагига қатнаётганини эшитиб, эртасигаёқ тенгдошлари сафига қўшилди. Адашмасам, ўшанда 6-синфда ўқирди.

Кўз тегмасин, фарзандларимнинг барчаси ҳаётда ўз йўлини топиб кетганидан хурсандман. Тўнғич фарзандим иқтисодчи, иккинчи ўғлим мактабда чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанидан ёшларга сабоқ беради. Барҳаётдан кичиги эса мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотида ишлайди.

Ҳа, ота-она учун фарзандлар камолини кўриш ғоят ёқимли. Айниқса, улар туфайли шаънига бундай мақтов, илиқ сўзлар ёғилса, қувончдан кўнгиллари неча қат юксалишини тасаввур қилаверинг. Истагимиз, ҳар бир ота-она шундай бахтни туйишдан бенасиб қолмасин.

Асрор РЎЗИБОЕВ,
«Vatanparvar»

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА ЙЎЛЛАГАН БАЙРАМ ТАБРИГИГА МУНОСАБАТ

ЖАНГОВАР ШАЙЛИКНИ ОШИРИШГА БИЗ ҲАМ ДАХЛДОРМИЗ

Албатта, ҳар қандай байрамга табрик ярашади. Ватан ҳимоячилари кунини нафақат ҳарбийлар, балки бутун халқимиз нишонлайди. Демак, бу табрик ҳаммамизга тегишли. Ундаги кўнгилни кўтарадиган сўзлар ҳаммамизни руҳлантиради. Яқин ўтмишда мустамлака бўлган Ўзбекистон бугунги кунда ҳурлигимиз ва озодлигимизни ҳимоя қилишга қодир Қуролли Кучларга эга бўлганлигининг ўзи ҳар биримизда фахр-ифтихор ҳис-туйғуларини уйғотади.

Тўғриси, менда эҳтиёткорлик ва ҳушёрлик ҳис-туйғуси кучлироқ. Армиянинг кучини ва нималарга қодирлигини кимлардир томонидан белгиланган рейтинглар ёки қандайдир ҳарбий машқларда олинган ўринлар белгиламайди, деб ўйлайман. Уруш кўрмаган ёки низоли минтақаларда бўлмаган аскар тинчлик шароитида ўтказилган жанговар машғулотларда ўзининг маҳоратини қай даражада юксаклик билан намоён этган бўлмасин, уруш кўрган жангчи мақомига тенглаша олмайди. Шунинг учун рейтингларда ва ҳарбийларнинг халқаро танловларда ғолиб чиққан аскарлар ҳамда офицерлар ҳозирги эришган ютуқлари билан қаноатланиб қолмасликлари керак. Бундай талаб бутун бир армияга ҳам тегишли бўлиб, аслида ҳарбий хизматда руҳий-психологик ҳолат ҳал қилувчи фактор ҳисобланади.

Табрикда армиямизнинг куч-қудратини белгиловчи бошқа бир омилга, яъни ҳарбий хизматчилар билан бутун жамиятимизнинг бирлиги ва ҳамжиҳатлигини белгиловчи ҳолатга ҳам алоҳида урғу бериб ўтилган. Армияни халқдан чиққан вакиллар ташкил этганидек, армия ҳам ҳар қандай вазиятда халқни қўллаши керак. Халқаро ҳаётда бунга мисоллар кўп. Эсланг, ўз вақтида армия Москвада Ельцинни, Анқарада Эрдўғонни қўллаган халққа қарши бормади, аксинча, давлатни фожиалардан сақлаб қолди.

Ҳарбийлар ҳақида гап борганида жанговарлик, жанговар тайёргарлик, жанговар қобилият каби сўзларни кўп ишлатамиз. Назаримда, агар аскар ёки офицернинг руҳий-психологик ҳолати барқарор бўлмаса, унинг жанговарлигидан ҳеч нарса кутиб бўлмайди. Яхши отиши, яхши чопиши, қўл жангида яхши муштлашиши учун унинг руҳий-психологик ҳолати барқарор бўлиши зарур.

Мен бу фикрни осмондан олиб айтаётганим йўқ. Ҳарбий қисмларга кўп чақиришади. Кўпинча давлатимизнинг ташқи сиёсатини ва халқаро ҳаётни шарҳлаб бераман. Менга ўхшаб чақирилганлар кўп ҳолларда шоир ёки артист бўлишади. Ҳарбийлар эса бутунлай бошқа йўналишларда саволлар беришади. Яъни қишлоқдаги ота-оналари ва юртдошларини ўйлаб, кўпинча газ ва сув таъминоти, нарх-наво, ишсизлик, сансалорлик, миллий маънавият, тиббий хизмат, интернет сайтларида пайдо бўлаётган турли воқеа-ҳодисалар ҳақида саволлар беришади. Мен сиёсат ва маънавият билан боғлиқ саволларга имкон қадар жавоб бераман. Уларга шеър, қўшиқ ёки рақс керакмас. Аввало, қўшиқ айтиш ёки рақсга тушиш маънавиятга кирмайди. Бу совет давридан қолган эски одат. Ҳарбийларнинг маънавият-маърифат дарсларига кўпроқ сиёсатшуносларни, тарихчиларни, юристларни, ҳокимларни, маънавият ва маърифат билимдонларини, ижтимоий-иқтисодий ҳаётга дахлдор вазирликларнинг масъул ходимларини таклиф этиш зарур. Ахир жойлардаги ота-оналари ва юртдошларининг ташвишлари дейлик, уларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади-ку!.. Табрикда айтилган «Халқ ва армия бир тану бир жондир» деган тушунча аслида ана шу ҳақиқатни англатади. Ота-онасининг аҳволи ҳақида қайғурмайдиган аскар ёки офицер Ватан тақдири ҳақида ҳам қайғурмайди. Бу – ҳар қандай одам англаб идрок этиши лозим бўлган оддий фалсафа.

Умуман, армия ҳақида гап борганда ҳар қандай ҳолатда ҳам жанговарликдан чекинишнинг иложи йўқ. Бу борада мен отишдаги мерганлик ёки сафда шахдам қадам ташлашни назарда тутаётганим йўқ. Аскар ёки офицернинг оғзидан чиқадиган сўзларида ҳам, айтадиган қўшиқлари-ю, тушадиган рақсларида ҳам жанговарлик акс этиб туриши керак. Ўзи телеэкранларда болалаб кетган оҳ-воҳ, ўлдим-куйдим, сендан угина, мендан бугина каби бачкана куй-қўшиқлару рақс ниқобидаги маймунсифат хатти-ҳаракатлар халқимизнинг жонига тегаётган бир пайтда ҳарбий ансамблнинг репертуари ҳам ана шундай куй-қўшиқлар билан «бойиб» бораётганини кечириб бўлмайди. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳарбий формадаги хушсавлат йигит оҳ-воҳ қилаверса, кимга ёқади?! Мен сизга айтсам, ҳарбийларга хос ва мос қилиб ёзилган шеърлар жуда кўп. Бу борада шоирларга мутлақо таъна қилиб бўлмайди. Ҳамма гап ана шу шеърларга мос мусиқа басталашда. Хўш, нега бастакорларни бунга жалб қилишнинг иложи бўлмаяпти?! Ахир кимлардир бунга эътибор бериши керак-ку!.. Ҳарбийларнинг нафақат товонларидан, балки овозлари ва оҳангларидан ҳам жанговарлик эшитилиб турсин.

Ўтган йили 9 май куни Тошкентда – метрою бошқа транспорт воситаларида, кўчалару паркларда, очиқ майдонлару томоша залларида, байрам тадбирларию жамоат жойларида ҳарбий кийимдаги йигит ва қизлар ижросида тонг саҳардан то тун ярмигача фақат «Катюша»ни эшитдик. Ажабо, бу йил Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги кунида нимани эшитар эканмиз?! Наҳотки, аввало урушда қатнашган бир ярим миллион юртдошларимизнинг ҳурмати ва руҳияти учун, қолаверса, бугунги армиямизнинг шон-шавкати учун астойдил ижод қилишга бел боғлаган бирорта ҳам бастакор бўлмаса?! Азизлар, давлатимиз ва халқимиз мутақилми, демак, куй-қўшиқларимиз ҳам мустақил бўлиши керак. Ҳадеб бировнинг оҳангига йўрғалайвериш шаънимизга ярашмайди.

> Армия ҳақида гап борганда ҳар қандай ҳолатда ҳам жанговарликдан чекинишнинг иложи йўқ. Бу борада мен отишдаги мерганлик ёки сафда шахдам қадам ташлашни назарда тутаётганим йўқ. Аскар ёки офицернинг оғзидан чиқадиган сўзларида ҳам, айтадиган қўшиқлари-ю, тушадиган рақсларида ҳам жанговарлик акс этиб туриши керак.

Менимча, Президентимиз ўз табригида армиямизнинг униб-ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик ва она юртга муҳаббат, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат, шонли тарихимизни чуқур билиш руҳида тарбиялаш борасидаги ишларига баҳо берганида ана шу талаблардан келиб чиқадиган вазифаларни назарда тутган. «Шу ўринда Қуролли Кучлар фаолияти устидан фуқаролик назоратини кучайтириш зарурлигини таъкидламоқчиман», дейилади табрикда. Бунга жавобан фикрим шундай: «Бунинг учун, аввало Мудофаа вазирлиги қошидаги Жамоатчилик кенгаши фаолиятига нисбатан талабчанликни янада ошириш зарур».

Қўшни давлатлар ва қардош халқлар билан муносабатларимиз жуда яхши. Бироқ бу – лоқайдлик учун асос бўла олмайди. Огоҳлик ва ҳушёрлик ҳамиша зарур. Буюк-давлатчилик ва буюкмиллатчилик кайфиятидаги аламзада шовинистик кучлар ҳали ўз ниятларидан қайтганлари йўқ. Турли тоифадаги иғвогар ва бузғунчилар ғаразли мақсадлар кўзланган ўз режаларидан ҳали воз кечганлари йўқ. Жаҳонда шундай жоҳил кучлар борки, улар бизга нисбатан пайт пойлашни ҳали тарк этганлари йўқ. Тинчлиги ҳамда келажагини ўйлаган давлат ва халқнинг ўз армиясидан бошқа ишонган тоғи, таянчи йўқ. Шундай экан, бу борада Қуролли Кучларимизнинг жанговарлиги ва салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўрилаётганини халқимиз сўзсиз қўллаб-қувватлайди, албатта.

Бироқ мени ҳарбийлар билан яқиндан ҳамкорлик қилаётган сиёсий шарҳловчи сифатида бошқа бир нарса ташвишлантиради. Кўплаб аскар ҳамда офицерлар билан мулоқотлардан шу нарсани англаб етдимки, ким террорчию, ким ватанпарвар, ким шаҳиду, ким экстремист, ким демократу, ким диктатор, ким босмачию, ким босқинчи – айрим ёш ҳарбий йигитлар буни ҳали фарқлай олишмайди. Кейинги пайтда фақат «Ўзбекистон тарихи» телеканалидагина босмачи билан босқинчига қандай нисбат бериш кераклиги ҳақида ҳақ сўзлар айтила бошланди. Назаримда, ҳарбий қисмларда сиёсий ўқувлар ташкил этиш ҳам зарурга ўхшайди. Совет даврида шундай ўқувлар бор эди. Совет пропагандаси ҳарбийларга кимларни ва нималарни олабўжи қилиб кўрсатишнинг минг хил усулларидан фойдаланарди. Биз бундай усулларни инкор этган ҳолда, ҳеч бўлмаса ўз вақтида «босмачи», «душман», «бендерачи», «миллатчи» тамғаси босилганлар аслида кимлигига ойдинлик киритайлик. Давр ўзгарди, негадир биз ўзгармаётгандаймиз. Агар ўтмишдаги тарихий ҳақиқатларни ўз номлари билан атамасак, бундан кейин ҳам манқуртлик қобиғида ўралашиб қолаверамиз. Сўзсиз, бу аскар йигитларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади.

Бугунги ўзбек ёшлари, аввало ҳарбийлар бир нарсани англаб етишлари керак. Совет даврида ўзбеклар асосан қурилиш батальонларида хизмат қилади. Жанговар ҳарбий қисмларда улар деярли учрамасди. Фақат Афғонистонга бостириб киришдагина ўзбеклардан фойдаланишди. Бугун эса барча замонавий жанговар ҳарбий қурол-аслаҳалар ўзбекларнинг ўз қўлларида. Ҳарбий қудратимиз салоҳияти жиҳатидан МДҲда учинчи ўриндамиз. Ўтган йилларда шундай ҳарбий куч-қудратга эга армияга асос солинган экан, бундан кейин ҳам Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ошиб бориши кўнгилларга таскин беради.

Армия – мустақил ўзбек давлатчилигининг кафолатидир. Унинг жанговарлигини оширишга ҳар биримиз ҳисса қўшайлик.

Иброҳим НОРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, сиёсий шарҳловчи

СИЁСИЙ ШАРҲ

2019 ЙИЛ: МДҲНИНГ МУҲИМ ВОҚЕЛИКЛАРИ

> 2019 йил Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳам қувончли, ҳам ташвишли воқеаларга мезбон бўлди. Айрим воқеаларни ҳисобга олмаганда, ушбу ҳудудда тинчлик ва хавфсизлик мустаҳкамланди.

Йилнинг энг муҳим воқеалари қаторига 2019 йил 19 март куни Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг давлат раҳбари лавозимидан воз кечишини киритиш мумкин. Қозоғистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодиёти ривожланаётган давлатлар сафидан ўрин олишига улкан ҳисса қўшган сиёсатчининг ҳокимиятни ўз ворисига тинч йўллар билан топшириши халқаро жамоатчилик томонидан қизғин қўллаб-қувватланди.

Қозоғистонда муқобил сайловлар – муқобил ғоялар

Қозоғистондаги сайловлар кўпчиликнинг эътиборини тортди. Ўзбекистонда уч йил олдин бошланган сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар шаббодасининг минтақага қай даражада таъсир кўрсатгани нуқтаи назаридан ҳам ён қўшнимиз Қозоғистондаги президентлик сайлови ҳеч кимни бефарқ қолдирмасди. 9 июндаги сиёсий тадбирда амалдаги Президент Қосим-Жомарт Тоқаевга бас келадиган номзоднинг ўзи йўқ эди. Аммо шундай бўлса-да, жаҳон жамоатчилиги кўз ўнгида у муқобиллик асосида ташкил этилди. Гап шундаки, сайловнинг барча қатнашчилари жамоатчилик кайфиятидан яхшигина хабардор эди. Шу боис етти нафар номзод етти хил ғоя билан майдонга чиқди. Номзодлар инсонларга муносиб меҳнат шароити яратиш, қашшоқликка қарши қатъий курашиш, қишлоқликлар ва кўп болаларни ҳимоя қилиш, сиёсий эркинликлар, коррупцияга қарши кураш, ижтимоий адолатни таъминлаш каби ғояларни илгари сурди.

Сайланган Президент Қосим-Жомарт Тоқаев биринчи навбатда сиёсий ислоҳотлар ўтказишга ваъда берди. Ўзини ислоҳотчи деб атаган президент сиёсий ислоҳотларсиз иқтисодий ислоҳотларда илгари силжиш бўлмаслигини айтди. Ташқи сиёсатда Тоқаев Биринчи Президент Нурсултон Назарбоев қурган йўналишни давом эттиради. Қозоғистон Россия, Хитой ва Ўзбекистон билан стратегик шерикчиликни мустаҳкамлашда давом этади. Америка Қўшма Штатлари билан ҳам иқтисодий алоқалар муҳим ўрин тутишини эътибордан қочирмади.

Қирғизистон коррупцияга қарши

Халқаро саҳнада юз бераётган воқеаларни ёритар эканмиз, биз учун энг муҳими, Ўзбекистонга қўшни Марказий Осиёдаги воқеалар ҳисобланади. Негаки, Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги энг устувор йўналиш бу Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик ва алоқалар мустаҳкамлигидир. Шу нуқтаи назардан ён қўшнимиз Қирғизистон Республикасида собиқ Президент Алмазбек Атамбаевга қарши очилган жиноий иш ва унинг ҳибсга олиниши билан боғлиқ ҳодисалар йил мобайнида ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Мамлакатнинг собиқ Президенти Алмазбек Атамбаевнинг дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этилиши, унга нисбатан жиноий иш очишга қаратилган уринишлар, мамлакатда корррупцияга қарши бошланган уруш республикадаги сиёсий вазиятни қизитиб борди. Агар суд Атамбаевни илгари сурилган айбловлар бўйича айбдор деб тан олса, унга умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилади. Жогорку Кенеш (парламент) депутатлари собиқ Президент Алмазбек Атамбаевга олтита айблов, шу жумладан, коррупция, уюшган жиноий гуруҳларни тузиш, лоббизм, шунингдек, унга қарши чиққан сиёсатчилар, жамоат вакиллари ва журналистларга қарши босим ва репрессиялар ташкил этиш айблари қўйилди.

Тан олиш керак, Қирғизистон энди-энди барқарорлик йўлига кириб бормоқда. Мустақилликка эришганидан бери мамлакат камида иккита «рангли» инқилобни бошдан ўтказди. 30 йил ичида 29 та бош вазир алмашди. Бу қадар ҳукумат инқирозини дунёнинг ҳеч бир мамлакати бошдан ўтказмаган, десак янглишмаймиз.

«Портлайдиган бомба» сиёсати четлаб ўтилди

Марказий Осиёнинг тинчлиги ва барқарорлиги тараққиёт ва фаровонлик нуқтаи назаридан бирламчи масала. Шу заминда яшаётган халқларнинг аҳиллиги ва ҳамжиҳатлиги уларнинг том маънодаги сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлашнинг бош гарови. Бу ерда бўй кўрсатадиган учқун эртага аланга олишига, ҳўлу қуруқ баробар ёнадиган оташга айланмаслигига, шуни кутиб турган катта геосиёсий ўйинчиларнинг барқарорлик ўрнатиш мақсадида минтақада панжасини ёймаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Аммо 2019 йилда ва 2020 йилнинг 9-10 январь кунлари Қирғизистон ва Тожикистон чегара участкасида юз берган кичик тўқнашув барчамизни бирдек ташвишга солди. 2019 йилнинг ёз ва куз фаслида Тожикистоннинг Қирғизистондаги анклави Ворух қишлоғи ва қўшни Қирғизистоннинг Оқ-Сой қишлоғи аҳолиси ўртасида бошланган тўқнашув натижасида икки томондан бир неча фуқаро ҳалок бўлди. Айтиш керакки, икки чегарада бу каби тўқнашувлар тез-тез содир бўлиб туради. Ким нима дейишидан қатъи назар, ушбу минтақадаги вазият советлар давридан бошлаб мураккаблашиб борган. Ўша вақтдаги совет ҳукумати атайин ёки ўзи билмаган ҳолда давлат чегарасини шундай белгилаганки, вақт ўтиши билан «портлайдиган бомба» ишлаб туришини хоҳлаган. Мана энди шу нарса содир бўлмоқда. Тожикистоннинг Сўғд ва Қирғизистоннинг Боткен вилоятлари чегараларида биринчи марта можаро юз бераётгани йўқ. Бу можаролар кўпроқ ер ва сув устидан келиб чиқади. Ҳали собиқ Иттифоқ пайтидаёқ қирғиз томони тожик томонига ўтадиган сув йўлини тўсиб қўйганида икки орада қонли тўқнашув юз берганди. Ўшанда тожикистонлик ўн олти яшар ўсмир ўлдирилганди.

Совет Иттифоқи парчаланиб, мамлакатлар мустақилликка эришгач, бу можаролар тез-тез юзага чиқа бошлади. Айниқса, бу келишмовчиликлар Исфара тумани Чорқў ва Ворух қишлоқ жамоатларининг Қирғизистон қишлоқлари билан бўлган чегараларида авж олади. Ворух қишлоғи анклав ҳисобланади, Қирғизистон ҳудуди ўртасида қолиб кетган. Ҳозирда Ворух аҳолиси 40 минг нафарга етиб қолди. Айнан ана шу анклав туфайли ворухликлар Тожикистоннинг бошқа шаҳар ва қишлоқларига истаса-истамаса, Қирғизистон орқали ўтиб боришади.

Шуниси аниқки, икки қўшни давлат ўртасидаги баҳсли ҳудудлар масаласи ҳал этилиб, чегаралар демаркация ва демилитация қилинмас экан, можаролар бот-бот келиб чиқиши мумкин. Тожикистон ва Қирғизистон орасидаги умумий чегара 974 километрни ташкил этади. Ҳозиргача бу масофанинг 470 километрга яқини аниқланмаган ва белгиланмаган. Айни шу муаммоларни буткул бартараф этиш учун Тожикистон ва Қирғизистон Президентлари икки раундли музокараларни Исфара ва Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида ўтказишди. Музокаралар кутилганидан ҳам самарали кечди. Томонлар чегара муаммоларини ечиш учун биргаликда комиссия тузишга, чегараларда биргаликда соқчиликни ўташга, халқларнинг яхши қўшничилиги ва ҳамкорлигини, дўстлигини мустаҳкамлашга қаратилган чегара олди ҳудудларида ўзаро савдони кенгайтиришга келишиб олдилар.

Зеленский тинчлик ва барқарорлик тарафдори

2019 йил апрель ва июль ойларида ўтказилган Украинадаги президентлик сайлови ва парламентга навбатдан ташқари сайлов ўтказилди. Уларнинг ҳар иккаласида ҳам комик актёр Владимир Зеленскийнинг «Халқ хизматкори» партиясининг қўли баланд келди. Президентлик сайловида Зеленский сайловчиларнинг 71 фоиз овозини тўплаган бўлса, у бошчилигидаги партия 42 фоиз овоз тўплаб, мустақил равишда ҳукуматни шакллантириш имкониятини қўлга киритди.

Зеленский халқ эшитишни хоҳлаган, уларни ўйлантираётган муаммоларни, ўй-хаёлларидаги фикрларни гапира олди, Донбассда тинчлик ўрнатишга ва уни Киев сиёсий орбитасига қайтаришга ваъда берди, шундан бўлса керак, кўпчилик унинг украин сиёсатига қандайдир янгилик киритишига умид қилди. Ваҳоланки, бундан олдин олигархлар халқни талаб, мамлакатни зимистон қаърига чўктириб бўлганди. Унинг олдида натижа кўрсатиш, сайловолди ваъдаларни бажариш вазифаси турибди. Мамлакатда эса муаммолар етарли. Украина ҳозир Европанинг энг камбағал мамлакати, ҳатто Косовадан кўра қашшоқроқ, аҳолининг бешдан бир қисми яхшироқ иш топиш илинжида хорижга кетган. Туғилиш даражаси ҳам пастга шўнғиган.

Украина ва Россия ўртасида дарз кетган муносабатлар тикланмас экан, оддий халқ жабр кўраверади. Байрам улар кўчасида эмас, балки икки қардош давлатни гиж-гижлаётганлар ҳовлисида нишонланади. Таъкидлаш жоизки, 11 июль куни Россия ва Украина лидерлари биринчи марта телефон мулоқоти ўтказиб, дўстона позицияни изҳор қилишди. Зеленский Россия Президенти Владимир Путин билан ўтказган телефон мулоқоти орқали 35 га 35 кўринишида асирларни алмаштирди. Москва Керч бўғозида чегарани бузишда айблаб қўлга олинган учта украин кемасини қайтариб берди. Донбассда ўт очиш кўлами кескин камайди.

Россия ва Украина 5 кунлик музокаралардан сўнг 2019 йилнинг сўнгги кунларида Россия газининг 1 январдан Украина орқали транзитини таъминловчи 5 йиллик ҳужжатлар пакетини имзолади. Киев бу муддат ичида Россия гази транзитидан 7 млрд доллардан кўпроқ фойда олиши мумкин. Имзоланган ҳужжатда биринчи йили 65 млрд кубметр, қолган 4 йилда 40 млрд кубметрдан газ ўтказилиши кўзда тутилган.

Грузия мухолифати пропорционал сайловларни талаб қилди

2019 йили Россия Давлат Думаси депутати Сергей Гавриловнинг Православлар Парламентлараро ассамблеясининг Тбилисида ўтаётган қатнашчиларига грузин парламенти спикерининг креслосидан туриб мурожаат қилиши норозиликлар алангасини келтириб чиқарди. Гаврилов ассамблея делегатларига асосан, православ мамлакатлари вакилларига рус тилида, грузин спикери креслосида ўтириб мурожаат қилгани грузин мухолиф сиёсатчилари ғазабини келтирди. Чунки 2008 йилги рус-грузин уруши ва Россиянинг Абхазия ва Жанубий Осетия мустақиллигини тан олиши грузинларнинг ёдидан чиққани йўқ. Улар бу туфайли мамлакатнинг 20 фоиз ҳудудини Россия босиб олган деб ҳисоблайди. Шунинг учун парламент биноси олдида тўпланган халойиқ, 10 мингга яқин киши парламент спикери Ираклий Кобахидзе ва бошқа расмийларнинг истеъфосини талаб қилди. Ҳукумат мухолифат талабларининг кўп қисмини бажарганига қарамай, йил бўйи намойишлар давом этди. Ҳатто мухолифат амалдаги ҳукуматдан можаритар сайлов тизимидан пропорционал сайлов ўтказиш борасидаги қонуннинг қабул қилинишини талаб қилди. Аммо овоз беришга келган пайтда Бидзина Иванишвилининг «Грузин орзуси» партияси депутатлари орасида бўлиниш юзага келди ва қонун қабул қилинмади. Бу борадаги қонуннинг қабул қилиниши келажакда ҳеч бир партиянинг ҳокимиятда узоқ вақт қолиб кетишига имкон бермайди.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи

ПРИЗНАНИЕ

Высокая награда за скромный труд

В Государственном музее Вооруженных Сил Республики Узбекистан состоялась церемония вручения почетных грамот и нагрудных знаков ветеранам Министерства обороны. В нем приняли участие ветераны Совета по делам ветеранов Министерства обороны, а также учащиеся общеобразовательных школ.

Сегодня ветераны принимают активное участие в воспитании подрастающего поколения в духе патриотизма и любви к Родине, также они вносят огромный вклад в военное образование. За последние годы проводятся множество мероприятий, в которых активно участвуют ветераны Министерства обороны.

Ветераны всегда в почете. Поэтому в честь празднования 28-ой годовщины образования Вооруженных Сил и Дня защитников Родины группа ветеранов от руководства МО РУ награждена почетными грамотами и памятными подарками.

Офицеры в отставке Шавкат Ачилов и Абубакир Наврузов, как и многие присутствующие в зале, долгие годы служили в рядах Вооруженных Сил. За эти годы подготовили много учеников.

– Благодарю руководство Министерства обороны, – говорит Абубакир Наврузов, – за то, что наши маленькие труды были так высоко оценены. Это придает нам еще больше силы, и мы будем активно работать с подрастающим поколением.

Завершилось мероприятие проведением экскурсии по музею и выступлениями артистов Центрального военного ансамбля песни и танца Вооруженных Сил.

Чингиз РАИМБЕРДИЕВ

Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидаги 12-умумтаълим мактабида ҳарбий қисм билан ҳамкорликда «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!» шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

Ёшларда ҳарбий хизмат истаги

Шахдам қадамлар билан мактабимизга кириб келган ва эгниларида ҳарбий либослари ярашиб турган ўғлонларни кўрган ўқитувчи ва ўқувчиларда миллий армиямиз билан фахрланиш ҳислари ортди. Тадбирда ўқувчиларимиз томонидан тайёрланган Ватан, тинчлик ҳамда ватанпарварликни мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлар ижро этилди.

Ҳарбий хизматчилар намойиш этган саф тайёргарлиги элементлари ва қўл жанги усуллари, шунингдек, жанговар қуроллар ҳақида берган маълумотлари, автоматни нотўлиқ қисмларга ажратиш ва йиғиш тартиби каби кўргазмали чиқишлари ёшларнинг ҳайрат ва олқишига сазовор бўлди.

– Ҳозир кўрганларим ҳарбий касбга қизиқишимни уйғотди, – дейди ўқувчи Дурдона Мирзаева. – Биз замонавий қурол ва жиҳозлар ҳақидаги қизиқарли маълумотларни эшитибгина қолмай, балки ўз қўлимиз билан ушлаб кўришга муваффақ бўлдик. Дилимда келажакда ўзимни ҳарбий соҳада синаб кўриш истаги туғилди.

– Мақсад – ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, – дейди ҳарбий қисм командири ўринбосари майор Дониёр Ҳасанов. – Уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва айни вақтда тинчлик учун курашиш, масъулият ҳисларини шакллантира олсак, бу келажакда ўз мевасини беради, деб ўйлайман.

Ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбир ҳам аксарият ўқувчиларда ҳарбий соҳага қизиқиш ва ҳавас уйғотгани шубҳасиздир.

Шерзод ҲАМИДОВ, ўқитувчи

Ўзгача завқ фестивали

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги ташаббуси билан Урганч шаҳрида «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!» шиори остида фестиваль ташкил этилди.

Фото РЎЗИЕВ суратга олган

Нукус гарнизони Маънавият ва маърифат маркази ҳарбий оркестри жамоасининг қувноқ куй-қўшиқлари барчада ватанпарварлик, юртсеварлик каби олижаноб туйғуларни жўш урдирди.

Қалби офтобдек қайноқ йигиту қизлар айниқса, ҳарбийларнинг қурол-аслаҳалар билан кўрсатган саф элементлари, қўл жанги бўйича намойиш этган кўргазмали чиқишларини ўзгача завқ билан томоша қилишди. Фестиваль урганчликлар учун ўзгача байрам бўлди. Ёшлар ҳарбий санъаткорлар билан жўр бўлиб ватанпарварликка йўғрилган қўшиқларни бирга куйлашди. Ҳарбийлар билан бўлиб ўтган суҳбатда эса ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди. Мулоқот давомида барчанинг эътиборига муддатли ҳарбий хизматчилар томонидан «Ватанга қасамёд» матни ўқиб эшиттирилди.

Кўзларида қувонч, қалбида ғурур

Нукус шаҳридаги Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театрида айни вақтда Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида хизмат қилаётган қорақалпоғистонлик аскарларнинг оналарини шарафлашга бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

«Аскар оналарини шарафлаймиз!» номли мазкур байрам тадбирида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари – Хотин-қизлар қўмитаси раиси Зуҳра Ибрагимова ва Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари подполковник Нуриддин Қодиров сўзга чиқиб, айни вақтда фарзанди Ватан ҳимоясидек муқаддас бурчни шараф билан адо этаётган онажонларни улуғлашди.

Тадбир меҳмонлари қимматбаҳо совғалар ва ташаккурнома билан тақдирланди.

Ҳарбий санъаткорлар томонидан ижро этилган дилтортар наволар қувончларга тўлган қалбларни янада бахтиёр этди. Театр фойесида ташкил этилган кўргазмада эса фарзандларига армияда белгиланган озиқ-овқат меъёрлари ҳамда кийим-кечак таъминоти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишди.

Мўйноқ аҳолиси ва меҳмонларига хуш кайфият улашилди

Қорақалпоғистон Республикасининг энг олис овулларида ҳам ҳарбий хизматчилар иштирокида тадбирлар ўтказилмоқда.

Ҳарбий округ ватанпарварлик карвонининг навбатдаги манзили Мўйноқ тумани бўлди. Қувонч ва ҳайрат билан ҳарбийларни қарши олаётган ёши улуғ отахону онахонлар, ҳарбий акаларига бўлган қизиқишларини яшира олмаётган болажонлар меҳмонларни пешвоз чиқиб кутиб олди. Ҳарбийлар аввало тумандаги энг узоқ ҳудудлардан бири – «Бўзатов» овул фуқаролар йиғинига қарашли «Қипчоқдарё» овулида жойлашган 10-умумтаълим мактабида меҳмон бўлишди. Ажойиб тадбир бўлди. Унда сўзга чиққан округ қўшинлари қўмондонлиги вакиллари, туман ҳокими Ерполат Еденбаев ҳамда Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Мўйноқ тумани раиси Жанабай Жусимов ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда мана шундай тадбирларнинг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Туман ҳокими ушбу овулга ватанпарварлик карвони илк бор келганини таъкидлар экан, бу каби тадбирлар келгусида кўпроқ ташкил этилиши зарурлигини айтди.

Мўйноқ шаҳар деҳқон бозоридаги учрашув ҳам қизиқарли бўлди. Бу ерда янграган оркестр садолари гўё қалбларда акс-садо берди.

Кейинги икки манзилда ҳам ватанпарварлик карвони томонидан «Мардлик ва жасорат» дарслари, концерт дастури ва кўргазмали чиқишлар намойиш этилди. Бу эса байрам шукуҳини юртдошларимизга улашишдек эзгу мақсадга хизмат қилди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати

АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ – ЁШЛАРГА ИБРАТ

МЕҲРНИНГ ҚУДРАТИ

Саодатхон эрини урушга жўнатиб, жўжабирдай уч фарзанд билан қолди. Зебо, Дилбар, Нодира. Аюб Омонов кетар чоғида ҳар учала фарзандини бағрига босиб, меҳр улашиб кетди. Ушбу меҳрни гўдак бўлишига қарамай тўнғичлари озми-кўпми тушунди. Лекин Нодира ҳали чақалоқ эди. Кетар чоғида Саодатга яқинда укаси Шарифжондан келган хатни бераркан:

– Имкон топсанг, унга ҳам хат ёзиб тур, – деб тайинлади. Жигарбанди икки йил бурун тиббиёт институтини тамомлаб, аспирантурага кирган чоғида оқ финлар билан уруш бошланди. Шу боис бир гуруҳ тиббиёт ходимлари қатори у ҳам ҳарбий хизматга жўнаганди. У ҳаракатдаги армияда жарроҳ бўлиб ишларди. – Қизлар соғлиғи ҳақида ҳам хабардор қилгин.

Саодат эрининг гапларини тингларкан, бу ака-укалар ўртасидаги меҳр, оқибат, қадр-қиммат, қолаверса ота-она тарбиясининг ширин меваси, деб тушунди. У энди бошқалар қатори уруш машаққатлари туфайли кунларни эмас, балки дақиқаларни санай бошлади. Ғайрат билан ишлади. Болаларини кўз қорачиғидек асраб-авайлади. Ҳаётдан нолимади. Умид билан яшади. Вақти-вақти билан эрига, қайнисига хат ёзди. Шарифжон ҳам уруш бошланган кунда чегарада экани, бундан буёғига у ҳам жангларда қатнашаётгани, Можайск мудофаасида турганида акасидан хат олгани ҳақида ёзди. «Тайёрланяпмиз. Тез кунда ҳужумга ўтсак керак. Фашистларни тавбасига таянтирадиган кун яқин», деган эди акаси. Мактуб манзили – Кавказ томон, Кабардино Болкария Светловодск эди. Шарифжон акасига жавоб хати ёзди-ю, кейин ундан бошқа хат олмади. Ташвишланиб Тошкентга ёзди. У ердан, «Акангиз ярадор бўлиб Тошкентга келдилар, аҳволлари анча оғир», деган хат келди. Бу мактуб Саодатхондан эди. Шарифжон яна хат ёзди. «Акангизнинг хат ёзишга ҳоллари йўқ», деган мазмунда жавоб келди. Ушбу хатларни ёзиш жараёнида Саодатнинг кўз ёшлари шашқатор эди. Чунки у эридан келган «Қора хат»ни ҳеч кимга билдиргиси келмас, фақат ўз ёғида қовриларди. Қайнопаси Муҳаррамгина бундан бохабар эди. Қизларининг, «Дадам қачон келадилар?» каби саволларига доимо, эрта-индин, дея жавоб берарди.

Аммо уларнинг ўксинишига чидамай, амакиларидан келган хатларни

«дадаларнинг келяпти», деб айтарди. Шу-шу, Шарифжон «дада» бўлиб қолди. Ўз навбатида у акаси ҳақида ноаниқ хабар олгандан сўнг маошининг бир қисмини акаси Аюбжонга жўнатди, кўп ўтмасдан, «Пулни акангиз номига эмас, истасангиз, рафиқаси Саодатхон номига юборинг», деган мазмундаги мактуб олди. Энди у акасининг вафот этганига аниқ ишонди, рўзғор ташвишлари бошига эрта тушган, ўқиб, ишлаб ота бўлган акаси кўз олдидан кетмасди. «Менинг қўлимдан келадиган ёрдам – ҳозирча болалар ҳолидан хабардор бўлиш, оталари йўқлигини билдирмай, меҳрибонлик кўрсатиш» – хаёлидан ўтказди у. Сўнг ўша куни пулни Саодатхон номига расмийлаштирди.

Уруш тугади. Миллион-миллион солдатлар шинелларини ечиб, қуролларини топширдилар. Осуда ҳаёт, эзгу мақсад йўлида меҳнатга киришдилар.

Медицина хизмати майори Шарифжон Саидов вақтинча Польшада қолган эди. Тошкентда отасиз яшаётган жиянларининг ташвиши унга тинчлик бермасди. Оталарини қанчалик соғиниб кутаётганларини кўз олдига келтирарди. Хат орқали турли хабарлар эшитиб турарди. Акасига бўлган меҳри, жигарчилик ришталари ҳамон кўнглида ғалаён қиларди. Охири у хизмат жойини Тошкентга кўчиришни илтимос қилиб, ариза ёзди.

Унинг келиши тўғрисидаги хабар Саодатнинг бир ташвишига ўн ташвиш қўшди. Бу хабарни болаларига айтишни ҳам, айтмасликни ҳам билмасди.

1947 йил апрель ойи. Осмонда турналар учяпти. Вокзалда одам кўп. Поезд келиб тўхтагач, кутиб олувчилар вагонларга талпинишди. Саодатхон ҳам атрофга қараб, қайнисини ахтарарди.

– Шарифжон, – деди у бир қўлида чамадон, билагида шинел, кўкраги тўла орден-медаль таққан майор йигитга. – Ана даданглар, боринглар, – деди болаларга. Майор ҳам уларни худди отадек бағрига босди.

Вақтида жанг майдонларида ҳалок бўлган ўнлаб солдатларни жангчилар, баъзида маҳаллий аҳоли имкон даражасида устига тупроқ ташлаб ёки четроқ қўйишарди. 1943 йил 11 январда Золка дарёсини кечиб ўтиш чоғида фашистлар қўйган мина портлаб, бир жангчи ҳалок бўлди, ортга чекинаётган душманни қуваётган ҳарбий қисмдагилар жангчини кейин кўмиб қўйишар, деган мақсадда четга олиб, юзароқ қилиб кўмишди.

Унинг ёнида ҳужжатлари йўқ эди. Маҳаллий аҳоли аввалига жангчининг ким эканини била олмади. Орадан вақт ўтиб, Светловодск қишлоғи ҳудудида ўлганларни қонун-қоидаси билан қайта кўмишди. Золкадан ўтаётганда ҳалок бўлган жангчини дарё бўйига мусулмонча расм-русум билан Қайин Токазов, Михаил Ливанов, Сосламбек Валиев қабрга қўйишди. Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида Светловодск ҳудудида туман ветеранлар ташкилоти раҳбари Амерби Адильгериевич Камергоев қидирув ишларини бошлади. У ҳудуддаги марҳум жангчиларнинг қариндош-уруғларини топиб, номларини абадийлаштириш ташаббуси билан чиқди. Машаққатли қидирув ишлари натижасида ўнга яқин жангчиларнинг эгалари топилди. Аммо Золка дарёси бўйида ким ётгани анча вақтгача номаълум эди. Бахтли тасодиф туфайли у ҳам аниқланди.

Кунлардан бир куни аввал Зольский туман ижроия қўмитаси, кейинчалик республика халқ назорати тизимида ишлаётган Мария Сосинова Ўзбекистон Республикаси халқ назорати тизимида ишлаётган Муҳаррам Аманова билан учрашиб қолади. Шунда Муҳаррам ундан Светловодск қаерда жойлашгани ва у ерда укаси Аюб Саидович Аманов ҳалок бўлганини айтади. Сосинова бу жангчининг қайта кўмилгани ҳақида яхши биларди.

Кўп ўтмасдан Муҳаррам, Шарифжон, Саодатхон, қизлари Аюб Аманов қабрини зиёрат қилгани боришди. Кавказликлар уларни жуда илиқ, самимий кутиб олишди. Айниқса, Светловодск қишлоқ уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Мурод Ваниев ўзининг туғишган биродарларидек илтифот кўрсатди.

1975 йил июль ойида ҳалок бўлган жангчиларнинг қабри қишлоқ маркази – мактаб ёнига кўчирилди. Номлари абадийлаштирилиб, ёдгорлик ўрнатилди. Бу ишга ҳам Камергоев бошчилик қилди. Барча марҳум жангчиларнинг қариндошлари тўпланишди. Амановлар оиласи ҳам кўрсатилаётган ғамхўрлик, меҳрибонликни кўриб, кўнгиллари хотиржам бўлди. Шу боис Аюб жасадини кўчирмасдан ўша ерда қолдиришга аҳд қилишди.

Шарифжон акасининг етим қолган қизларига ҳақиқий меҳрибон ота бўла олди. Саодатхон билан турмуш қурганларидан сўнг яна уч фарзанд кўрдилар: Пўлатжон, Темур ва Моҳира. Ҳам жигарбандлик, ҳам оталик масъулиятини олган ота олти фарзандни тўғри тарбиялаб вояга етказди. Уларнинг бири шифокор, бири олим, бири ўқитувчи, бири шарқшунос... Муҳими, улар аҳил, иноқ, меҳр-оқибатли бўлиб вояга етишди. Аюбжон боқий ухлаб ётган ердаги кавказликлар билан анча вақтгача борди-келди қилиб хат ёзишиб турди. Аммо СССР парчаланганч, бунинг имкони анча чеклангандек эди.

Бир тасодиф ришталарни яна боғлади. Бунга қўшни бўлиб кўчиб келган Гаджиевлар оиласи сабаб бўлди. Тўртинчи фарзанд Пўлатжоннинг рафиқаси Малика Доғистондан келаётган Валентина Сергеевнага дуч келади, салом-аликдан сўнг:

– Келиним Зоиранинг отаси Муроджон Ваниев хўб ажойиб инсон-да. Ҳар сафар борганимда ўша атрофда кўмилган жанчилар қабрларини обод қилиб, қўйилган ёдгорликларни артиб-тозалаб юрганини кўраман. Айниқса мактаб ёнига қўйилган ўзбек, янглишмасам, исми Аюб ёдгорлигини алоҳида парвариш қилади. Бу сафар мен ҳам гул қўйиб, тиловат ўқидим, – дейди.

Малика шу заҳотиёқ уйга кириб, бу гапни Пўлат акага ва қайнопаларига етказади. Бир соатга қолмай барча опа-сингил, ака-укалар бола-чақалари билан Маликанинг уйида тўпланишди. Тўкин дастурхонга Валентина Сергеевнани таклиф қилишди. Аюбжон руҳи покига тиловат ўқиб, дилдан суҳбатлашишди. Суҳбат чоғида, Дилбархон аввалги боришган пайтда ҳам кўпчилик бўлишларига қарамай (ўн нафардан ортиқ) ўша Мурод ака меҳрибонлик кўрсатгани, самимий муносабатда бўлгани ҳақида гапирди. Ўз навбатида хат ёзишиб турганини айтади. Валя опа уларга кейинги боришида қабр тупроғидан олиб келишини ваъда қилди. У сўзининг устидан чиқиб алоҳида безакли қутида тупроқ ҳам олиб келди. Ушбу воқеа сабаб улар ўртасида қариндошлик ришталари боғланди. Гаджиевлар оиласидан хоҳ Борис ака, хоҳ Валя опа, хоҳ Зоира, хоҳ Алик, ҳатто набиралари Мария, Алан ўша томонга боришса, албатта ёдгорлик пойига гул қўйиб, зиёрат қилиб қайтишади. Буни исботловчи фотосурат, дисклар талайгина. Жигарбандлар улардан жуда миннатдор. Меҳр шунчалик кучли нарсаки, қаранг ҳатто турли миллат вакилларини ҳам бирлаштириш қудратига эга.

Аюбжон билан Шарифжоннинг жигарчилик меҳри шундай кучга эга эди. Шу боис энг оғир уруш йиллари, урушдан кейинги қийин дамлар бўлишига қарамай Шарифжон ўз меҳрини жиянлари билан баҳам кўрди, уларга оталик қилди. Унинг Саодатхон опа билан бирга тарбиялаган фарзандлари, набиралари ҳам ўша меҳр оғушида бир-бирига қадрли, оқибатли бўлиб ҳаёт кечиришмоқда. Аюбжон хотирасига кўрсатилаётган эҳтиром, эъзоз ҳам шу меҳр туфайли бўлса, не ажаб.

Худди шу ўринда Гаджиевлар оиласи ҳам – Валя опа осетинка, Боговиддин ака доғистонлик бўлса-да, улар оиласида ҳам ана шундай меҳр-оқибат кучли эканини айтгим келади. Ўғли Алик, қизи Неля тадбиркор, ота-онасини кафтида кўтаради. Набиралари Мария, Алан ҳам шундай тарбия топишган. Шундан бўлса керак, набираси Белла Шодиевлар хонадонига келин бўлиб, ота-онасига раҳматлар ёғдирмоқда.

Энди бир атрофга назар ташлайлик: отаси тирик бўла туриб, етим қолаётганлар қанча? Ҳам отаси, ҳам онаси бўлатуриб, болалар уйида ўсаётганлар қанча? Ё бўлмаса, ота-онадан қолган уй ёки мерос талашиб, бир-бири билан юзкўрмас бўлаётганлар, судлашаётганлар қанча?! Ота-она юзига оёқ тираётганлар-чи?! Арзимаган нарсага бир-бирининг дилини хуфтон қилаётган қайнона-келинлар-чи?!

Уларга қарата, «Одамлар, умр бир марта берилади, бир-бирингизга меҳр улашинг, яхшилик қилинг. Ота-боболаримиздан мерос жигарбандлик, оқибатнинг қадрига етинг. Шунда сиз ҳам эъзоз, эҳтиром топасиз, фарзандлар бахтини кўрасиз», дегим келади.

Муқаддас АБДУСАМАТОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

ИМЯ В ИСТОРИИ

БУДУЩЕЕ ВОЗРОДИТСЯ НОВЫМИ ЛЕГЕНДАРНЫМИ ИМЕНАМИ

Мой дядя Йулдош был участником Второй мировой войны. Вернулся он живой, но никогда не рассказывал о ней. Видимо, ему было очень больно и страшно вспоминать, как погибали однополчане, горела под ногами земля... Но однажды он всё же рассказал такой случай. На вопрос старшего по званию военного: «Чего нельзя делать солдатам?» – он, тогда плохо говоривший по-русски, поднял руки кверху и ответил: «Так нельзя делать!» Это означало не сдаваться, не предавать своих родных, Родину, воевать до последнего. И для меня этот жест остается показателем глубокого осознания своей задачи, мерилом военной доблести и служения народу людей в погонах.

Зикир Мухамеджанов в роли генерала Сабира Рахимова.

На что равняется нынешнее поколение военнослужащих? Какие у них идеалы? Какие книги читают, смотрят фильмы? К чему стремятся?

Плох тот солдат, который не мечтает стать генералом – известное выражение. И если стоит на кого-то равняться, то, безусловно, на героев моего повествования – двух генералов – Сабира Рахимова и Зикира Мухамеджанова. Прошло более 50 лет, когда на большие экраны бывшего Советского Союза вышел художественный фильм «Сабир Рахимов», где главную роль узбекского полководца в той кровопролитной войне сыграл Зикир Мухамеджанов. Для меня образ Сабира Рахимова стал реалистичен благодаря этой картине, о которой нынче мои дети, молодежь не знают. Почему-то они этот фильм не видели...

ЭПОХИ ПРОХОДЯТ, ГЕРОИ ОСТАЮТСЯ

Трудно писать о человеке, которого знаешь лишь по скупым строчкам биографических данных или по воспоминаниям оставшихся в живых (?) однополчан, друзей. Но появилось желание написать о Сабире Рахимове, и потому, что на днях мы будем отмечать день его рождения, и потому, что он значим и близок нам. Несмотря ни на что, можно смело утверждать – он наш современник.

...Сабир рано остался сиротой. Сначала отец, затем сестра с матерью покинули этот мир, но земля оказалась не без добрых людей – его обогрели, накормили. До 15 лет он батрачил, а затем работал на Ташкентской ткацкой фабрике. Времена и строй поменялись, когда мечты юноши стали явью.

В 1922 году он стал курсантом военной школы. Успехи его были столь значительны, что через три года парню доверили командовать взводом отдельного узбекского кавалерийского дивизиона. Наряду с учениями были и боевые походы. За проявленную храбрость, военные знания молодой кавалерист в 1926 году был награжден первой боевой наградой – именным клинком. Первые отметины от пуль и холодного оружия он получил в те же годы.

Вчитываюсь в строки его аттестации 1933 года. «Дисциплинированный, волевой. Умеет мобилизовать личный состав на выполнение боевых задач». Не каждый из нашего окружения, да и из числа служивого народа, может быть достойный такой оценки? А ведь именно такие черты лежат в основе цельной натуры, не на словах, а на деле проявляющих патриотизм.

Вторую мировую войну кадровый военный встретил в звании майора 104-го моторизованного полка 104-ой танковой дивизии. За два года войны послужной список вырос. К апрелю 1943 года Сабир Рахимов был уже генерал-майором. Он не раз смотрел смерти в глаза. Ранения выбивали из строя, но не надолго. Генерал вновь возвращался в строй. Последним местом его службы была 37-ая гвардейская дивизия. До победных минут генерал не дожил чуть менее двух месяцев. Девятое ранение от рук вражеского минометчика было роковым.

25 мая 1945 года в Ташкенте была передана земле урна с прахом первого узбекского генерала Сабира Рахимова, посмертно получившего звание Героя Советского Союза.

Памятник военачальнику, некогда установленный напротив Сабир Рахимовского (ныне Алмазарского) районного хокимиата Ташкента, надеюсь, в скором времени обретет свое незыблемое место в строящемся Парке Победы. А имя героя вернут названиям улиц, станции метро, району. Памятные Сабир Рахимовские места есть и в других областях республики, о чем стоит помнить региональным функционерам без указки сверху. Извлекая из памяти веков имена наших великих предков, нельзя забывать и тех, кто не так давно вершил наше героическое прошлое. Эпохи скоротечны, герои неизменны. Но чтобы они оставались в памяти, надо прикладывать человеческие усилия – помнить, знать, почитать.

«БУДЬ ТАКИМ, КАК ЕСТЬ!»

Герой Узбекистана, народный артист Зикир Мухамеджанов, которому в этом году исполнилось бы 100 лет, в последний раз на прославленную сцену Узбекского национального академического драматического театра (ранее театр им. Хамзы) вышел в свои 90 лет. Для многих поколений узбекистанцев он был и остается несгибаемым генералом кинематографических и театральных подмосток.

Сценарий картины «Сабир Рахимов» был создан на основе спектакля К. Яшена, сыгранного после войны на сцене театра имени Хамзы. Генерала играл колоритный Шукур Бурханов, а его комиссара – Зикир Мухамеджанов.

Волей случая, через двадцать лет образ военачальника воплотил на экране наш герой.

По тем временам кандидатура на основную роль утверждалась очень высокими инстанциями. Режиссер фильма Захид Сабитов видел главного исполнителя в лице Зикира Мухамеджанова, сыгравшего до этого в его же фильме «Одержимый» («Фидойи»). Очень настаивая на этом исполнителе, он все же получил «добро». Хотя по многим внешним данным артист и не подходил на роль. Об этом и другом я узнала из беседы с народным артистом Зикиром Мухамеджановым, которая состоялась более 15 лет тому назад. К сожалению, статья так и не была напечатана в свое время. Этот недочет было решено исправить нынче, к юбилейным датам – 75-летию победы над фашизмом и круглой дате великого артиста. (благодаря редакции «Vatanparvar»)

– Зикир-ака, какие трудности были при съемках фильма?

– В 1944 году, присутствуя на юбилейном мероприятии республики, я увидел Сабира Рахимова, прибывшего на день с фронта. С ним я не был знаком, но, как легендарная личность, он вызывал у окружающих большой интерес. Я запомнил подтянутую, высокую, крепкую фигуру военачальника (он выше и здоровее меня), волевое лицо с опухшими веками, то ли от усталости и недосыпания, то ли от природы. Приступая к роли, я рассказал режиссеру о своих впечатлениях. Сабитов успокоил: «Ничего, с ростом и объемом сладим».

Костюмеры внутри кителя, шинели нашили ватные подушечки, а обувь снабдили высокими каблуками и платформой. Я облачился в эту амуницию. Но... должного результата мы не получили. Мои неуклюжие пробежки, запрыгивания в машину во дворе киностудии заставили режиссера все же отказаться от накладных атрибутов в моем гардеробе. Он сказал: «Ты сам, как есть, будешь Сабиром Рахимовым». После чего вся киногруппа отправилась в Прибалтику, в местечко Цесис, что в ста километрах от Риги. Съемки в основном шли под нудным, непрекращающимся дождем при участии располагавшихся рядом воинских частей.

Сценарий и роли требовали игры вживую, среди натурных съемок. Пришлось даже учиться верховой езде. Жаль, что в последующем эти кадры не вошли в фильм. Или же в студеную пору всей дивизией пришлось пересекать болотистую местность. Если артисты, статисты, настоящие военные, принимавшие участие в этих съемках, могли принять на грудь горячительного напитка, то я, как человек непьющий, с трудом выходил из ситуации. Не помогали даже спиртовые обтирания. В итоге я заболел. Кто только в больнице тогда не посетил меня! Однажды пришел... мой боевой конь, с которым мы очень подружились.

– Кто вам помог в создании образа нашего легендарного военачальника?

– Его однополчане – полковник Рахимов (его однофамилец) и врач, а также супруга полковника Гавхар-ханум стали моими живыми источниками информации. В беседе с ними для меня приоткрылась личность неординарного человека, каким являлся Сабир Рахимов. Его характер, манера поведения, пластика движения, мимика – все это было взято мной на вооружение. После всесоюзной премьеры и выхода фильма в прокат мои консультанты признались, что я был близок в отображении черт его характера - боевитости, решительности, мужества.

Важной деталью вхождения актера в роль является «притирка» к кинематографической одежде, которая должна смотреться естественно и гармонично с образом. По этой причине Сабитов велел постоянно ходить в армейском обмундировании. Будто одел эту одежду не сейчас, а в военное время и не снимал сутками, месяцами.

В первые дни такого существования случались и казусы. На гражданке у меня чин и психология рядового, а носимая мной одежда – генеральская. Первоначально младших офицерских чинов из реальных воинских частей шокировало, что я первым отдавал им честь. Затем я исправился: вел себя сообразно «званию».

Был и такой интересный случай. Каждая встреча в действительности с высшим офицерским составом вызывала во мне некоторое напряжение. Как-то навстречу мне шел генерал-лейтенант, который по рангу выше моего киношного звания. Я отдал ему честь, он в ответ кивнул. Пройдя шагов 20, я остановился и обернулся. Он также стоял неподвижно и удивленно смотрел на меня. Мы двинулись навстречу друг другу. Настоящий генерал, если не ошибаюсь по фамилии Горчаков, был поражен новому (а он всех тамошних высших чинов знал), уж больно чернявому офицеру в их северных широтах. Я признался, каким образом мне приходится «вживаться» в образ. Он остался доволен, а затем мы стали хорошими приятелями. Сам же генерал-лейтенант с того момента стал главным консультантом картины, так как в свое время он с боями прошел всю Вторую мировую. Сыгранная роль, видимо, оказалась очень убедительная: в 1968 году на кинофестивале в Польше я получил приз за лучшую мужскую роль.

– Что для современных людей значит имя Сабира Рахимова?

– Сейчас, я так думаю, в нашей стране вопрос патриотизма стоит на первом месте. У нас есть армия, военная техника и генералы. Есть войска, которые охраняют наши границы. Их дух, патриотизм может быть усилен памятью о делах таких героев, как Сабир Рахимов. Это нужно нам, живущим на этой земле и помнящим наше прошлое. И тогда будущее возродится новыми легендарными именами.

Муяссар МАКСУДОВА

ТАРИХ

ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ

«Биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Акмал Икромовнинг уйида учрашдик. Файзулла Хўжаевни ҳамма ерда жумҳуриятнинг энг ақлли ва ҳаққоний кишиси дейишар эди... Унинг довюраклиги, ажойиб дипломатик қобилияти, яхшигина маълумот эгаси эканлиги тўғрисида кўп эшитган эдим. Файзулла Хўжаев паст бўйли, қотмадан келган ва ўсмирларга ўхшаш озғин экан. Осиёликларга хос чуқур кўзли ҳамда узун киприкли Файзулланинг хушбичим юзини бир вақтлар у оғриган пендинка касали қолдирган чандиқ бироз бузиб турарди. А. Икромов одамлар орасида қанчалик сергап, ҳазилкаш, қувноқ бўлса, Файзулла шунчалик камгап ва тўғрироғи ғамгин бўларди. У суҳбатдошини гўё ўзи билан таққослаётгандек унга жиддий тикилиб қararди.

Файзуллада ўз ғояси учун ҳақиқий курашчининг хусусияти бор эди».

Галина Серебрякова,
рус ёзувчиси

«Файзулла Хўжаев ноёб талант эгаси эди. У том маънодаги Европа маданиятини эгаллаган зиёли, меҳнаткаш халқнинг ҳурматига сазовор бўлган, ўз халқи, она Ватани учун фидойи инсон эди. Бундай буюк истеъдод эгалари ҳар бир халқ тарихида юз, икки юз йиллар ичида бир келиб кетиши мумкин...»

А. Уклонский,
академик

Таваллуди ва ёшлиги

Файзуллахўжа Убайдуллахўжа ўғли милодий 1896 йил 1 июлда Бухоро шаҳрида амирлик ҳудудидаги йирик савдогар Убайдуллахўжа Қосимхўжа ўғли (1859–1912) оиласида дунёга келди. У болалик чоғида эски усулдаги мактабга қатнаб, савод чиқарди ва Бухоро мадрасаларидан бирида икки йил таҳсил олиб, Қуръони каримни ёд олди. Файзулла ўн ёшдан сал ошганида отаси уни Москвага олиб боради. Москвада ўтган давр (1907–1912) Файзулланинг ҳаётида ўчмас из қолдирди. Бунгача Шарқ маданияти билан мадраса таҳсили орқали анча-мунча хабардор бўлган закий ўспирин энди Оврупо ва Россия урф-одатлари, уларнинг тартиблари билан танишди. Файзулла ёшлигиданоқ ўзбек, тожик, рус тилларини бир хилда мукаммал билар эди. Замондошларининг гувоҳлик беришларича, Ф. Хўжаев ҳатто немис тилида ҳам ўз фикрини равон баён эта олган.

Ёш бухороликлар сардори

Файзулла 15-16 ёшидаёқ Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний ва жадидчилик ҳаракатининг бошқа намояндаларининг асарларини қунт билан ўрганиб, улар сафида бўлди. Айниқса, унга Фитратнинг асарлари кучли таъсир қилди. Ф. Хўжаев ва Фитрат ўртасидаги самимий муносабатлар улар умрининг охиригача давом этди.

Ёш Файзулла Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг асосий раҳбарларидан бирига айланганида 17 ёшда эди. Жадидларга қарши иккиёқлама таъқиб кучайиши, Бухоронинг сўнгги амири Саид Олимхоннинг (1881–1944) жадидларга қарши жон-жаҳди билан курашиши, Россиядаги Февраль инқилоби бу ҳаракат ичида ҳам кучларнинг қайта гуруҳланишига олиб келди. Эски фикрдаги жадидларга Абдулвоҳид Бурҳонов (Мунзим), сўл инқилобий жадидларга эса Фитрат бошчилик қилади. Ёш бухороликлар фирқаси (кейинчалик инқилобчи Ёш бухороликлар фирқаси) жадидларнинг сўл қанотидан ташкил топди. Файзулла Хўжаев тез орада бу фирқа Марказий Қўмитасининг раиси қилиб сайланди.

1917–1920 йиллар Файзулла Хўжаев ҳаётида ўчмас из қолдирди. У тарих учун жуда оз бўлган ушбу муддатда ҳақиқий инқилобчиларга хос йўлни: адашишлару мағлубиятлардан холи бўлмаган, зафарлар билан бирга катта йўқотишларга бой улкан кураш йўлини, катта ҳаёт мактабини босиб ўтди.

Файзулла Хўжаев инқилобий жараёнга, бугун айрим ёзувчилар ва публицистлар даъво қилаётганидек, коммунист сифатида қўшилмади. У олдин жадидчилик ҳаракатида, сўнгра Ёш бухороликлар фирқасида фаолият кўрсатар экан, мавжуд воқеликка ўша даврдаги Бухоро халқи турмушидан келиб чиқиб холисона ёндашган эди. У мутлақ ҳокимиятга эга амирлик тузуми ўрнига Бухорода демократик тартибга асосланган давлат ташкил қилиш учун курашди. Ушбу курашдаги дастлабки уриниш 1918 йил мартида муваффақиятсиз тугайди («Колесов воқеаси»). Бу мағлубиятдан кейин фақат Ф. Хўжаев ёки Ёш бухороликлар учунгина эмас, балки Бухородаги бутун тараққийпарвар кишилар учун ҳам қора кунлар бошланди.

Файзулла Хўжаев — БХСР ҳукумати раиси

1920 йил ёзида Бухоро амирлигида сиёсий вазият жуда кескинлашди. 25 августда Туркистон фронти қўмондони М. Фрунзе Туркфронт қўшинларига «қўзғолон кўтарган Бухоро меҳнаткашларига ёрдам кўрсатиш тўғрисида» буйруқ берди.

Муқаддас Бухоро шаҳрига ҳужум 29 августга ўтар кечаси бошланди. Воқеаларнинг бевосита шоҳиди қуйидагича ёзган эди: «Шаҳар маркази ер билан яксон қилинди. Жанг давомида юзлаб замбараклар ва самолётлар ишга солинди. Минглаб снарядлар ва бомбалар Эски Бухоро обидалари устига ёғдирилди. Шаҳар ҳимоячиларидан ташқари кўплаб бегуноҳ кексалар, аёллар ва болалар ҳалок бўлди. Юзлаб аҳоли уй-жойлари, меъморчилик ва тарихий обидалар ер билан яксон бўлди. Регистон ёндирилди».

Бухоро ваҳшиёна бомбардимон қилинди, шаҳардаги икки ярим минг йиллик тарихга эга кўплаб осори-атиқалар вайрон бўлди, бутун шаҳар ўт ичида қолди. Бухороликлар бу кунларни «кичик қиёмат» деб аташган.

1920 йил сентябрь ойида Бухоро шаҳри қизил аскарлар томонидан армонсиз таланди. Амирнинг хазинаси М. Фрунзе ва В. Куйбишевнинг кўрсатмаси ила зудлик билан Москвага жўнатилди. Тадқиқотчилар архивдаги манбалар асосида Бухородан ҳаммаси бўлиб икки эшелонда (ҳар бир эшелонда 14 тадан вагон бўлган) олтин ва қимматбаҳо буюмлар олиб кетилганлигини эътироф этишмоқда. Бу бойликнинг умумий қиймати ўша пайтдаги нарх билан тахминан 77 миллион тилла сўмни ташкил қилган. Бу маблағни ҳозирги баҳога чақадиган бўлсак, тахминан 80 миллиард долларни ташкил этади.

Архив ҳужжатларига кўра, Файзулла Хўжаев Бухорода амирлик тузуми ағдариб ташланганидан кейин отасидан қолган барча бойликларни – 25 пуд қуйма тилла, 4,8 миллион тилла танга (1913 йил пул ҳисоби билан), 5 пудга яқин кумуш танга, 7 миллион олтин сўм атрофидаги кредит қоғозлари ва бошқа бойликларни Шўролар ҳукумати ихтиёрига топширади.

Бугунги кун нуқтаи назаридан Бухоро фожиаларига назар ташланса, бир ҳақиқат ойдинлашади. Бухородаги амирлик истибдоди ҳақиқатан ҳам келгуси тараққиёт учун тўсиқ бўлиб турарди. Буни мардона эътироф қилмоқ керак. Файзулла Хўжаев бошчилигидаги Ёш бухоролик жадидлар эса мамлакатни европача андозадаги, ривожланган давлат даражасига кўтариш, Бухорода демократик тузум ва ҳуқуқий жамият қуриш учун чин дилдан интилган эдилар. Улар амирлик тузумини ўз кучлари билан йиқита олмай, большевиклар ва қизил аскарлар билан иттифоқ тузиб, қаттиқ адашдилар ва хатога йўл қўйдилар.

Ушбу ўринда таъкидлаш жоизки, асосан жадидлардан ташкил топган Файзулла Хўжаев бошчилигидаги Бухоро Республикаси ҳукумати ўша пайтда дунёдаги энг маълумотли кишилар тўпланган ҳукуматлардан бири ҳисобланган. Нозирлар Бухоро, Истанбул, Берлин, Москва ва бошқа шаҳарларда таълим олишган эди. Ҳукумат аъзолари асосан ёшлардан иборат бўлган. Ҳукумат бошлиғи 24 ёшда бўлиб, нозирларнинг ўртача ёши 29 дан ошмаган. Тарихда бундай ёш ҳукумат учрамайди.

Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) давлат тузуми жиҳатидан халқ демократик ҳокимияти бўлган. Унинг зиммасига қисқа муддат ичида ўрта асрлик анъаналари мерос бўлиб қолган амирлик Бухоросини демократик давлатга айлантиришдек тарихий вазифани бажариш тушди. Бу ишларни амалга оширишда Бухоро ҳукуматининг раҳбари Файзулла Хўжаев катта роль ўйнади.

Бу пайтда у бир вақтнинг ўзида Бухоро Халқ Жумҳурияти Нозирлар Шўросининг раиси (1920–1924), БХСР ташқи ишлар нозири (1920–1922), ҳарбий ишлар нозири (1921–1924), ички ишлар нозири (1922), БХСР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши раиси (1922–1924) каби масъул лавозимларда фаолият кўрсатган эди (қаранг: Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 1934-иш, 9-варақ). Шунингдек, Файзулла Хўжаев Шарқий Бухоро инқилобий ҳарбий кенгаши раиси (1922–1924), СССР Ҳарбий-Денгиз ишлари халқ комиссарлигининг Ўзбекистон ССР бўйича расмий вакили (1925 йилдан) ҳам ҳисобланган.

Кучли сиёсатчи ва моҳир дипломат

1920 йил октябрь-ноябрь ойларида БХСР билан РСФСР ўртасида муваққат ҳарбий-сиёсий аҳдлашув ва шартнома тузилди. 1921 йил 4 мартда ҳар икки давлат ўртасида «Иттифоқ шартномаси» имзоланди. Ушбу шартномалар мустақил сиёсат юритишга ҳаракат қилаётган ёш Бухоро давлати арбоблари фаолиятини муайян даражада чеклашга олиб келди. «Иттифоқ шартномаси» мустақил Бухоро давлати ҳудудида совет қўшинлари туришини «қонуний» жиҳатдан асослаб бердики, мазкур ҳол БХСР ички ишларига Россиянинг тўғридан-тўғри қуролли аралашувидан бошқа нарса эмас эди.

Ҳукумат бошлиғи Файзулла Хўжаев 1921 йил март ойида Тошкентда бўлган Туркистон комиссияси мажлисида Бухорода турган Россия қўшинлари сонини тахминан 15 000 кишигача қисқартириш тўғрисидаги масалани қўйган. Файзулла Хўжаев ушбу мажлисда Россия Федерацияси билан БХСР ўртасидаги товар алмашиш тўғрисида хам тўхталар экан, ўзига хос истеҳзо билан қуйидагича таъкидлаган эди:

▶▶

«Ташқи савдо (Внешторг) шундай бир ташкилотки, у ҳамма нарсани олиши мумкин, бироқ ҳеч нарса бермайди».

У Эрон, Туркия, Афғонистон, Озарбайжон каби Шарқ давлатларидан ташқари Ғарб мамлакатлари Англия, Япония, хусусан, Германия билан дипломатик алоқалар ўрнатишга катта куч-ғайрат сарфлади. Бухоро билан Германия ўртасида маданий ва иқтисодий ҳамкорлик йўлга қўйилиб, савдо-сотиқ авж олдирилган. Файзулла Хўжаев 1922 йил октябрь-ноябрь ойларида Германияда бўлиб, турли банклар ва компаниялар билан шартномалар тузган.

Файзулла Хўжаев 1922 йил ноябрь ойи ўрталарида Берлиндан туриб БХСР МИҚга «Берлин мактублари» номи билан хат йўллаган. «Бухоро ахбороти» газетасининг 1922 йил 19 ноябрда чоп этилган 111-сонида хат тўлиқ келтирилган. «Берлин мактублари» 4 қисмдан иборат бўлиб, улар «Умумий аҳвол», «Байналмилал аҳвол», «Уч масала», «Ижтимоий инқилоб» деб номланган.

Файзулла Хўжаев Германияда бўлганида (1922 йил ноябрь) немис даврий матбуоти: «Ф. Хўжаев Олмонияга сиёсий ва тижорий (савдо) ишлар билан келган. Берлиндан Англияга, Италияга, Францияга, Бельгияга, Чехословакияга, Туркияга борадур эмиш» каби ўнлаб хабарларни босиб чиқарган.

У талабаларни хорижга жўнатиб ўқитишнинг ташаббускорларидан бири бўлган. Файзулла Хўжаев, Фитрат, Мукаммил Бурҳоновнинг ташаббуси билан 100 га яқин туркистонлик талаба БХСР ҳукумати ҳисобидан Германияда, ўнлаб талабалар Туркия ва бошқа давлатларда ўқишган.

Файзулла Хўжаев ва истиқлолчилик ҳаракати

Файзулла Хўжаевнинг фикрича, бир вақтнинг ўзида таркоқ истиқлолчи дасталарини йириклаштириш ва сиёсийлаштириш йўлида иш олиб бориш керак. Чунки яхши қуролланган ва курашларда тажриба орттирган бу кучлар ўртасидан жанговар сардорлар ва ботир жангчилар етишиб чиққан бўлиб, улардан келажакда миллий армияни жуда тез шакллантириш мумкин. Зеро вақти келиб Совет Россиясидан ажралиш масаласи кўтарилса, унда муайян кучга ҳам эга бўлинади. Бу ҳақдаги маълумотлар Файзулла Хўжаевнинг «жиноий иши» сақланган архив ҳужжатларида, шунингдек, Фитрат, Мухторжон Саиджонов, Отаулла Хўжаев, Порсо Хўжаев, Мусожон Саиджонов ва бошқа бухоролик жадидларнинг тергов материалларида ҳам келтириб ўтилади.

Архив ҳужжатларига кўра, 1921 йил ёзида Файзулла Хўжаевнинг топшириғи билан Душанбега келган Бухоро ҳукуматининг Фавқулодда Мухтор вакили Отаулла Хўжаев (1880–1937) бошчилигидаги комиссия Шарқий Бухородаги истиқлолчилик ҳаракати вакиллари билан алоқа ўрнатиши ва қўрбошилар розилик билдирса, икки ўртада шартнома тузиши керак эди. Отаулла Хўжаев Ёш бухороликлар фирқасининг энг кўзга кўринган арбобларидан бири бўлган. Усмонхўжа Пўлатхўжаев ва Фитрат каби у ҳам Туркиядаги Истанбул мадрасасида таълим олган. Бухоро ҳукумати раҳбарлари юқорида айтиб ўтилган Ғарм, Балжувон, Файзобод, Кўлоб ва Қоратегиндаги халқ қўзғолонини шундай муросаю мадора йўли билан тинчитмоқчи эди.

Отаулла Хўжаевнинг қўрбошилар билан музокаралари натижасида мужоҳидларнинг йирик йўлбошчилари бўлган Давлатмандбек ва Султон Эшон Балжувон ва Ғарм инқилобий қўмитаси (ревкоми)нинг раислари қилиб тайинланди. Вилоят ревкомларининг раиси қилиб қўрбошиларнинг тайинланиши аҳоли ўртасида уларнинг таъсири ва нуфузини оширди.

Балжувонда 12 августда бўлиб ўтган ушбу учрашувда Отаулла Хўжаев билан Давлатмандбек Камолиддинбей ўғли ўртасида битим-келишув тузилди. Ушбу битим-келишув матни 8 моддадан иборат бўлиб, унинг асл нусхаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг архивида сақланмоқда.

Файзулла Хўжаев «Танланган асарлар»ининг 1-жилди синчиклаб кўздан кечирилса, унинг кўплаб мақола ва маърузаларида истиқлолчилик ҳаракатига нисбатан бўлган муносабати яққол кўринади. Бир мисол: Файзулла Хўжаевнинг ёзишича, у Ғузор ва Шаҳрисабз вилоятларида ҳаракат қилган Жаббор қўрбоши билан музокаралар ўтказиб, 1922 йил баҳорида уни Бухоро ҳукуматига таслим бўлишга кўндирди. Жаббор қўрбоши ва унинг сафдошларига Бухорода эркин яшашлари учун рухсат берилди. Лекин орадан кўп ўтмай, Ф. Хўжаев Бухоро шаҳрида бўлмаган бир пайтда «Жаббор қўрбоши ва бошқалар алдаб қамоққа олинган ва иккинчи куниёқ ... отиб ташланган».

Бахтга қарши Файзулла Хўжаевнинг миллий муроса ва келишувга, тинчлик ва бирдамликка чорловчи ҳаракатлари «инқилобий курашлар»нинг дахшатли пўртаналари остига ғарқ бўлди, тоталитар режимнинг қурбонларидан бирига айланди. Ўшанда СССР Бош прокурори А. Вишинскийнинг 1938 йил март ойида Москва шаҳрида бўлган суддаги айблов хулосасига кўра, Ф. Хўжаев «Миллий Истиқлол» ва «Миллий Иттиҳод» фирқаларини ташкил қилиб, улар ёрдамида қўзғолончилар отрядларини тузиб, қўрбошилар орқали ўз мақсадларини амалга оширмоқчи бўлган. Биз учун Вишинскийнинг Ф. Хўжаевга берган қуйидагича таърифи характерлидир: «...Сизлар Хўжаевни кўрдингизлар, у ўта маданиятли инсон, ўзи қатнашган курашнинг ўта нозик томонларини бутун майда-чуйда тафсилотлари билан ипидан игнасигача жуда яхши таҳлил қила олади...»

Файзулла Хўжаевнинг «олтин» боши

«Бухорога келганимдан кейин мени Файзулла Хўжаев қизиқтирди. Унинг бошига шунчалик кўп олтин ваъда қилинган эдики, дунёдаги бирор-бир бош шунчалик юқори нархланмаган эди», деб ёзган эди 1934 йил чех адиби Эгон Эрвин Киш.

Файзулла Хўжаев XX асрда фақат Ўзбекистондан эмас, балки бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари сиёсатдонлари орасидан етишиб чиққан энг етук заковатли давлат арбоби эди. У 42 йил умр кўрган бўлса, шундан узлуксиз 17 йил давомида Бухоро жумҳурияти ва Ўзбекистон ССР ҳукуматларини бошқарди. Афсуски, Ф. Хўжаев ҳали 41 ёшга ҳам тўлмаган бир пайтда, авжи қирчиллама ёшида қатағон қилинди.

Файзулла Хўжаев 1937 йил 9 июлда Москвада қамоққа олинди. Унга совет ҳокимиятига қарши «ўнг троцкийчи блок» фаолиятига қўшилганлик ҳамда «Миллий Иттиҳод» ташкилоти фаолиятига раҳбарлик қилганлик, «босмачилик» ҳаракати ва қўрбошиларни қўллаб-қувватлаганлик, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий ва бошқа ўзбек зиёлиларига ғамхўрлик кўрсатганлик каби айбловлар қўйилди ва 1938 йил март ойининг бошида бўлган суд жараёнида отишга ҳукм қилинди. Ҳукм Москва атрофидаги Бутово қатлгоҳида 1938 йил 15 март куни ижро этилган.

Қаҳрамон РАЖАБОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

ВАТАН АЗИЗ , ЖАСОРАТ МАНГУ

«Сен каби қўрғондан ўқ ўтмагайдир»

Ёвнинг ҳужумига жонини қалқон қилган капитан Баҳром Жўраевнинг ёркин хотирасига бағишлаб бунёд этилган ёдгорлик монументида шундай сатрлар бор:

Муаллиф суратга олган

Сен, эй, Алпомишдан куч-қувват олган,
Широқдан қош олган, қабоқлар олган.
Соҳибқиронимдан сабоқлар олган,
Сен каби қўрғондан ўқ ўтмагайдир.

Сиз суратда кўриб турган ҳайкал Б. Жўраев ўқиган Мирзо Улуғбек туманидаги 209-мактаб ҳовлисида қад ростлаган. Ватан ҳимоячилари куни арафасида мазкур монумент пойига гулчамбарлар қўйилди. Шу муносабат билан ташкил этилган маънавий-маърифий тадбирда марҳум ҳарбий хизматчининг оила аъзолари, Тошкент шаҳар мудофаа ҳамда халқ таълими бош бошқармалари ходимлари, ижодкорлар, ўқувчи-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Майдонда саф тортган ҳарбий оркест эзгин ва ғамгин куй-навога ҳамоҳанг мусиқий композицияни ижро этди. Мактабнинг бўз йигитлари эса оқ кабутарларни оппоқ орзуларига қўшиб, самога учирди. Халқининг осойишталиги йўлида чинакам фидойилик ва қаҳрамонлик кўрсатган мард ўғлонни вояга етказгани учун унинг ота-онасига алоҳида ташаккур изҳор этилди.

– Устозлардан мактабимиз битирувчиси Баҳром Жўраев ва унинг жасорати ҳақида кўп эшитганмиз, – дейди Мирзо Улуғбек туманидаги 209-умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Муҳаммадали Ибодов. – Билим масканимиздан шундай жасорат эгалари етишиб чиққанидан ҳақли равишда фахрланамиз. Унинг жасорати биз учун ўзига хос қаҳрамонлик намунасидир. Бу эса зиммамизга халқимиз учун муносиб фарзанд бўлиш масъулиятини юклайди. Менинг отам ҳам ҳарбий хизматчи. Мактабни битиргач, Қуроллли Кучлар академиясида ўқишни ният қилганман. Шу орқали келгусида етук офицер сифатида Ватанимга садоқат билан хизмат қилиш мақсадини кўзлаганман.

Тадбир доирасида Тошкент шаҳар мудофаа ҳамда халқ таълими бош бошқармалари ҳамкорлигида Ватан ҳимоясига ўз ҳаётини бахшида этган марҳум ҳарбий хизматчилар хотираси ва Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Энг яхши чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик раҳбари» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари тақдирланди. Унга кўра, Юнусобод туманидаги 98-мактаб ўқитувчиси Темур Ҳалимов 1-ўринни қўлга киритди. Учтепа туманидаги 193-мактаб ўқитувчиси Нодиржон Аҳмедов 2-ўринга сазовор бўлди. Бектемир туманидаги 289-мактаб ўқитувчиси Илҳом Ибодов ва Олмазор туманидаги 133-мактаб ўқитувчиси Алишер Қодиров 3-ўринга муносиб кўрилди. Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ, «Vatanparvar»

ЭХО ПРАЗДНИКА

НОВЫЕ ЗАДАЧИ ПЕРЕД АРМЕЙСКОЙ МОЛОДЕЖЬЮ

В Академии Вооруженных Сил Республики Узбекистан состоялась церемония награждения курсантов военных образовательных учреждений.

В честь празднования 28-ой годовщины образования Вооруженных Сил Республики Узбекистан и Дня защитников Родины преподаватели и курсанты высших военных образовательных учреждений страны, активно принимавшие участие на международных олимпиадах, награждены дипломами и памятными подарками.

За последние годы в военной образовательной системе прошли кардинальные изменения. Процесс обучения курсантов, а также слушателей поднялся на новый уровень, активно стал внедряться мировой опыт. Для подготовки профессиональных военных кадров в военных образовательных учреждениях созданы максимально качественные условия.

В ответ на это, курсанты активно принимают участие в различных международных предметных олимпиадах, в которых занимают почетные и призовые места.

Среди награжденных, курсанты Военного института информационно-коммуникационных технологий и связи Фаррух Бобоев и Азизбек Холматов заняли почетные места на олимпиаде по высшей математике, теперь перед ними поставлена задача выйти на международный уровень, показать всему миру на что способна военная молодежь Республики Узбекистан.

А. АХМЕДОВ

Фото автора

«Ватани борнинг бахти бор»

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 206-умумтаълим мактабида «Ватани борнинг бахти бор» мавзуида тадбир ўтказилди. Унда ўқувчилар Ватан – саждагоҳимиз, муқаддас диёрлигини, миллий армия қалбларда фахр, ифтихор ва ғурурни шакллантирувчи, имон-эътиқодни мустаҳкамловчи тенгсиз куч, мардлик ва жасорат мактаби эканлигини кўргазмали чиқишлари ҳамда ватанпарварликни улуғловчи бадиа ва шеърлари орқали ифодалаб беришди.

Раъно ЕРГАШЕВА, ўқитувчи

ЮРТИМИЗ КЕЛАЖАГИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Кўп йиллардан бери мактабда ўқувчиларга инглиз тилидан сабоқ бераман. Дарс жараёнида ўғил-қизларга фақат тил ўргатиш билан кифояланмай, балки шу аснода уларни миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналарга чуқур ҳурмат руҳида тарбиялашга ҳаракат қиламан.

Миллий армиямиз қудратини, шарафли касб шон-шуҳратини тараннум қилувчи байрам – Ватан ҳимоячилари куни ёшлар қалбидаги эзгу мақсадларнинг бўй кўрсатишига сабаб бўлмоқда. Шу кун муносабати билан мактабимиз юқори синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган инглиз тилидаги «Мен ҳам Ватан ҳимоячисиман!» мавзуидаги очиқ дарс мисол бўлади.

Дарсда ўқувчилар ўзлари тайёрлаб келган мавзу бўйича чиқиш қилди. Кимдир оила, кимдир Ватан ҳақида сўзлади. Менга манзур бўлгани, жамоавий чиқишларда оила, Ватан, фаровонлик тушунчалари тинчлик билан чамбарчас боғлиқлиги, тинчлигимиз асоси эса қудратли Қуролли Кучлар эканлиги жуда чиройли тарзда кўрсатиб берилди. Йигитлар ўз мақсадлари ҳақида сўзлаганда, «Мен келажакда ҳарбий бўлиб, Ватанимни қўриқлайман» каломини ўзгача меҳр билан айтишди. Ўқувчиларимнинг эзгулик йўғрилган орзу-ниятларидан кўнглим осмон қадар юксалди. Шу лаҳзаларда хаёлимдан ўтган ушбу фикр шууримни ёритди: «Юртимиз келажаги ишончли қўлларда!»

Амирқул МАМАТҚУЛОВ,
Сирдарё вилояти, Ховос туманидаги
5-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Пойтахтимиздаги «Ёшлар ижод саройи»да мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ўртасидаги «Мен ҳам Ватан ҳимоячисиман!» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди. Унда танловнинг туман босқичида ғолиб бўлган 11 жамоа учта шарт асосида беллашди.

ЖАЖЖИ ВАТАНПАРВАРЛАР

Муаллиф суратга олган

Танловда Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи подполковник Баҳром Қосимов, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси бошлиғи Жанна Пак мамлакатимизда болаларни кичик ёш давриданоқ ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ҳар бир жамоадан беш ўғил, беш қиз қатнашган беллашувда жамоалар турли-туман шартларга пухта тайёргарлик кўргани яққол намоён бўлди. Дастлаб ҳарбий-жисмоний машқлар бўйича чиқишлар қилишди. Кейинги шартда жажжи тарбияланувчилар бадиий-эстетик йўналишда саҳна кўринишлари намойиш этишди. Охирги шартда болажонларнинг «Она Ватан», «Ўзбекистон Қуролли Кучлари» мавзуларидан бирида расм чизиш маҳорати синовдан ўтказилди.

– Ушбу танловда жамоаларнинг либоси, саҳна маданияти, ижро маҳорати каби мезонларга алоҳида эътибор қаратилди, – дейди Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси маънавият бўлими бошлиғи Гулчеҳра Эшонқулова. – Танлов орқали болаларда ҳарбийлик касбини эгаллашга иштиёқ уйғонган бўлса, ажаб эмас. Уларнинг ҳаммаси ҳарбий бўлмаса ҳам, келгусида юртига содиқ, унинг равнақига ўз ҳиссасини қўшадиган чинакам ватанпарвар бўлиб улғайиши шубҳасиз.

Якуний натижаларга кўра, Юнусобод туманидаги 433-мактабгача таълим ташкилоти кичкинтойлари 1-ўринни эгаллади. Шайхонтоҳур туманидаги 84-МТТ тарбияланувчилари иккинчи ва Чилонзор туманидаги 534-МТТ жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ғолибларга кубок, диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Фаол жамоалар ҳам муносиб тақдирланди.

Дилшод ШУҲРАТ ўғли

Юные музыканты ищут вдохновение в военных маршах и песнях

По доброй традиции учащиеся Республиканского специализированного музыкального академического лицея (РСМАЛ) имени Владимира Успенского дали праздничный концерт, посвященный Дню защитников Родины. Лицеисты ищут вдохновение в военных маршах и песнях, воздавая дань уважения представителям почетной и ответственной профессии защитников мирной жизни нашего народа.

С приветственным словом к коллективу и приглашенным гостям обратилась директор РСМАЛ, заслуженный работник культуры Узбекистана Дилдора Джамалова.

– Порадовали юные лицеисты песнями нашей юности, – поделился впечатлениями от концерта полковник медицинской службы в отставке Исмат Гайбуллаев. – Такие песни, как «Не плачь, девчонка», «Письмо с фронта» пели поколения старше нас, мы словно помолодели душой. Большое спасибо детям!

– Музыка всегда играла большую вдохновляющую роль в армейской жизни, – добавил другой приглашенный гость, полковник медицинской службы Мингкобил Эшкобилов. – Как военный медик могу подтвердить, что и выздоровление пациентов, слушающих хорошую музыку, проходит гораздо быстрее. Под задорные марши и шагать легче и идти в атаку. Желаем от души ребятам новых творческих дерзаний!

Перед началом концерта удалось поговорить с одним из ветеранов лицея, проработавшим здесь 32 года, преподавателем высшей категории, преподавателем по тромбону и блок-флейте Джумабаем Сабуровым.

– Мне выпала интересная судьба, – говорит он. – Довелось послужить четыре года в военном оркестре, воспитанником, в армии у самого маршала Георгия Жукова. Поэтому этот праздник для меня особенный. Горжусь тем, что вношу свою лепту в благое дело воспитания музыкантов настоящими патриотами Узбекистана.

Как говорил герой известного кинофильма «В бой идут одни старики», все преходяще, а музыка – вечна. Как вечно и наше стремление воспитывать своих детей любящими Родину.

Аблай КАМАЛОВ, подполковник в отставке

АЙЁМ ШУКУҲИ

КИТОБХОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Абдулла Қодирий музейи ва Турон ахборот кутубхона марказида «Энг яхши китобхон» танлови ўтказилди.

Мазкур танловда Миллий гвардия қўриқлаш бош бошқармаси, ҳудудий бошқармалар, Ҳарбий-техник институти, ҳарбий қисмлар ҳамда ихтисослаштирилган ўқув маркази, Тошкент «Темурбеклар мактаби» ҳарбий академик лицейи, Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейидан 1 нафардан номзод иштирок этди.

«Биз буюк саркардалар авлодимиз», «Жаҳон тамаддуни ва ўзбек халқи маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган алломаларимиз» ҳамда «Мустақил вазифа» каби шартларда иштирокчилар синовдан ўтказилди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳар бир саволга берилган жавоб синчковлик билан баҳолаб борилди.

Энг яхши китобхонлар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонлиги томонидан диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Шунингдек, «Энг ёш иштирокчи», «Энг фаол иштирокчи», «Энг иқтидорли иштирокчи» номинацияларида ҳам ғолиблар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди. Бу каби танловлар келгусида Миллий гвардия тизимида мунтазам равишда ўтказилиб борилиши кўзда тутилган.

Миллий гвардия матбуот хизмати

ДОЛЗАРБ МАВЗУЛИ МАҲОРАТ ДАРСИ

Миллий гвардия Ҳарбий-техник институтида диншунослик фанидан «Экстремизм ва терроризм – жамият барқарорлигига таҳдид» номли маҳорат дарси ташкил қилинди.

Унда Ўзбекистон Халқаро ислом академияси катта ўқитувчиси, фалсафа фанлари номзоди Абдухолиқ Ташанов ҳамда Тошкент кимё-технология институти 2-босқич докторанти Эргаш Аҳмедов маърузалари билан иштирок этишди. Улар бугунги кунда дин ниқоби остида кибермаконда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораётган, соф муқаддас диний тушунчаларни ўз ғаразли мақсадларига мос равишда бузиб талқин этишга уринаётган гуруҳларнинг сохта ғоялари, уларнинг интернетдан унумли фойдаланиш усуллари ва мақсадлари ҳақида атрофлича маълумотлар беришди.

Д. ЮСУПОВА

Стану как отец

В 597-ой дошкольной образовательной организации «Истиклол», расположенной в Мирзо-Улугбекском районе столицы, уделяется должное внимание военно-патриотическому воспитанию маленьких детей. Дети не раз посетили государственные музеи Темуридов и Вооруженных Сил Республики Узбекистан. Для многих из детей – это их любимые места.

Военный оркестр Академии Вооруженных Сил Республики Узбекистан со своей программой посетил данную организацию.

К их приезду, дети подготовились, с гордостью исполнили Государственный гимн, рассказали стихи про Родину. Приход военнослужащих стал настоящим праздником для детей.

– Мой папа, – говорит дочь сержанта Азиза Фозилова Эъзоза Каримжонова, – тоже военный. Я его очень люблю, и когда вырасту обязательно стану военным.

– А что нужно сделать, чтобы стать военным?

– Чтобы стать военным, нужно много учиться, знать языки, и быть сильным.

Ч. РАИМБЕРДИЕВ

«Ватанимга таянчман»

Сарҳадларимиз мустаҳкам экан, кўнгилларга шоду хуррамлик сиғади, байрамлар байрамларга уланаверади.

Маънавият ва маърифат маркази, «Маърифат» тарғиботчилар жамияти ҳамда Олмазор тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида Тошкент вилоятида жойлашган ҳарбий қисмларнинг бирида «Ватанимга таянчман» мавзусида маънавий-маърифий байрам тадбири ўтказилди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари ўринбосари Азимжон Юсупов ва бошқалар сўзга чиқиб, ҳарбий хизматчиларни байрам билан самимий табриклади. Фаол ҳарбий хизматчиларнинг бир гуруҳига диплом, эсдалик совғалар ҳамда китоблар жамланмаси топширилди.

Ўзбекистон халқ артистлари Муножат Йўлчиева, Меҳри Бекчанова томонидан куйланган ўзбек миллий қўшиқлари тадбир иштирокчиларига кўтаринки кайфият улашди. Дубляж устаси, актриса Барнохон Қодирова ўзи овоз берган фильм қаҳрамонларининг ролига кириб, қатнашчилар олқишига сазовор бўлди.

Ҳилола ИБРОҲИМОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази ходими

Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари қўмондонлиги ходимлари пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган 154-умумтаълим мактабида ташкил этилган «Ватан ҳимояси – муқаддас бурч» номли тадбирда қатнашди.

Муқаддас бурч

Соҳа ходимлари шарафли касбга қизиққан ўқувчилар билан қизғин мулоқот қилиб, саволларига жавоб беришди. Уруш қатнашчилари ва оловли жанг майдонларида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган эл ардоғидаги инсонлар хотиралари билан ўртоқлашди.

– Ҳарбий хизматни 1986–1989 йилларда Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрида ўтаганман. Ҳирот шаҳрини дунёга танитган инсон шубҳасиз сўз мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоийдир. Бироқ ҳиротликларнинг кўпчилиги адабиётни билмайди. Уларда ўқиш имконияти йўқ, тинчлик йўқ. Шукрки, бизда тинчлик. Ҳар қанча ўқисак, тинчликнинг қадрига етсак арзийди, – дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Мирзо Карим.

Қоровул қўшинлари ходимлари ўқувчиларга бадиий китоблар совға қилди. Мактабнинг истеъдодли ўқувчилари томонидан куйланган ватанпарварликни тараннум этувчи қўшиқлар тадбирга янада файз бағишлади.

Санам НИШОНОВА

ЮРТ ҲИМОЯСИГА БАРЧА МАСЪУЛ

Фарзандим, сен юртнинг кўз қароғисан,
Баркамол дилбанди – суянч тоғисан.
Миллатнинг жаҳонга бўйлар чоғисан,
Унутма, илкингда улуғ омонат –
Ватанни асрамоқ – олий қадрият!

Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманига қарашли 12-умумтаълим мактабида ватанпарварлик руҳидаги маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!» шиори остида ўтказилган тадбирда маҳалла фуқаролар йиғинидан вакиллар, собиқ Иттифоқ даврида юртимиздан йироқда ҳарбий хизматда бўлган ҳамда мустақил давлатимиз Қуролли Кучлари сафида йигитлик бурчини ўтаган инсонлар иштирок этди.

Дастлаб ўқитувчилар ва ўқувчилар тадбир меҳмонларининг мустақиллик олий бахт экани, тинчлик ва ҳурликни асраш шу заминда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон, хусусан ёш авлод олдида турган муқаддас бурчлигини таъкидлаб ўтишди.

– Ўқувчиларимиз тадбирдан жуда катта таассурот олди, – дейди мактаб директори Зулайҳо Аҳмедова. – Айниқса, мустабид тузум даврида аскарлик бурчини бажарган тадбир меҳмонларининг ҳарбий қисмлардаги оғир шароит, миллий камситилишлар билан боғлиқ сўзлаб берган воқеалари барчани таъсирлантирди. Мустақил юртимизда муддатли хизмат ўтаган йигитларимиз томонидан миллий армиямизда кечаётган ислоҳотлар, Ватанга хизмат қилиш қай даражада шарафли бурч экани иштирокчиларни тўлқинлантириб юборди. Бундай маънавий-маърифий тадбирларни давомий ўтказиб бориш ўқувчиларимиз учун муҳим аҳамият касб этишини теран ҳис қилдик. Ва албатта, ёш авлод қалбига ватанпарварлик руҳини муҳрлайдиган кўнгилли учрашувларни давом эттирамиз.

Гулчеҳра КЕНЖАЕВА,
мактаб ўқитувчиси

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

«СУВОРА»ДАН «ҲАЙЁРА-А»ГА

(портрет-очерк)

«Алпомиш Бойсун қўнғиротга қойтаятип, бир сурув молдинг устидан кеп қолди. Қораса, бир сурув мол, бошида чол, иягида тўртта соқол. Болоғини тиззасигача турган, липани киндигига урган, чолқайраман жотип киндикдинг вўртасиға дўмбирани қўйган, вўзича бир ноғмани чолаяпти.

Ана шўнда Алпомиш «Олдимдан жўлиққан биринчи одам шул бўлди, шундан сўрайинқани, бу моллар кимдикиякан», деб, оёқти узангига тирап, мурутди бурап, чўпонга қорап, ҳў даҳмарда, мундакелиб бир гап бер, бу моллар кимдики деб сўраб турган жойи:

Ҳойран қолиб қувонаман бўйингдан,
Мени десанг турғин енди жойингдан.
Одирларға сиғмай кетган қўйингдан,
Баён ойла менга-я, боғиб журган молингдан...»

Халқ достонларининг турли талқинларида бу каби оғзаки ижоднинг юксак намуналарига дуч келаркансиз, беихтиёр ўзбек тилининг ажабтовур қирраларда тажалли этишидан, унинг имкониятларидан завқ туясиз...

Давлатимиз раҳбари томонидан бахшичилик санъатига қаратилган юксак эътибор ўлароқ юртимизда дўмбиранинг қадимий оҳанглари янада баралла, ўктам кезмоқда.

Ўзининг ноёб истеъдоди билан қатор ютуқларни қўлга киритиб келаётган капитан Азиз Матёқубов бахшичилик санъатини қисқа муддатда ўзлаштиргани билан, ишонаверинг, манаман деган сурхондарёлик Ўзбекистон халқ бахшиларини ҳам лол қолдирди!

2019 йилнинг декабрь ойида Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округнинг Сурхондарё вилоятида жойлашган ҳарбий қисмларида хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчилар ўртасида «Амир Темур ўғлонлари» ва «Жалолиддин Мангуберди ворислари» номли танловнинг ҳал қилувчи босқичида 1-ўринни қўлга киритган А. Матёқубов мазкур танловга 2019 йилнинг 2 декабрь кунидан бошлаб киришган. Шу санадан бошлаб дўмбира имкониятларини яхши ўзлаштириб, «Алпомиш» достонидан бир неча термани қойилмақом ижро этганининг боисини кейин билсак, қаҳрамонимиз симли чолғу асбобларининг деярли барчасини чала олишида, мусиқий хотирасининг ҳавас қилса арзигулик даражада экан.

Муаллиф суратга олган

Бу ёғини сўрасангиз, капитан Азиз Матёқубов Хоразм воҳасида туғилиб-ўсиб, шу муқаддас юртнинг кўҳна санъатига ошуфта, Комилжон Отаниёзов, Отажон Худойшукуров каби улуғ дарғаларга ихлосманд ўлароқ, қўлида гоҳо тор, гоҳо доира – давраларда хиргойи қилиб, истеъдодини шакллантирган.

Ойни этак билан беркитиб бўлмас, деганларидек ундаги «ярқ» этган талантнинг қўри вақт ўтган сари кўплаб инсонлар қалбида оловланди. А. Матёқубов бир қарасангиз, гитарада инглизча – замонавий, ҳалиги репларни ҳам ёлчитиб юборади, бир қарасангиз Отаниёзовнинг «Катта Сувора»ларини ҳам маромига етказади. Ушбу репертуарлар орасига янги қўшилган дўмбира-ю бўғиқ бахшиёна овоз ҳам ҳаш-паш, дегунча ўз мухлисларини тўплади. Қаҳрамонимиз ҳарбий хизматчи сифатида, аллақачон намуна кўрсатган бўлиб, санъати орқали сафдошларини, қуролдош дўстларининг туйғуларини юксалтиришга, уларни бой маданий меросимиздан баҳраманд бўлишларига ҳисса қўшмоқда.

– «Бахшичилик ва достончилик санъати» йўналишида қатнашиб, биринчи ўринни қўлга киритганим бир томон бўлса, дўмбирадек дилгир чолғуга меҳр қўйганим, шу кўрик-танлов баҳона дўмбира билан дардлашганим, сўзлашганим бир томон бўлди, – дейди А. Матёқубов. – Катта бахшилардан эшитдим: дўмбиранинг пири бўларкан, Чилтан дейишаркан... Бу қадимий чолғунинг қўш торини чертсангиз, унинг кичик косасидан инсонларнинг асрий орзу-истаклари, шодлигу андуҳлари отилиб чиқаркан. Термаларни ёдлаш чоғида оғзаки ижоднинг нақадар теран маъноларни қамрашини ҳис этдим. Асрлар давомида халқ донишмандлиги чиғириқларидан ўтиб келаётган ушбу сўзларни шеър қилиб ўқисангиз, этингиз жимирлайди, қўшиқ қилиб айтсангиз, қалбингиз ўсади... Президентимиз бежиз бахшичилик санъатига давлат миқёсида эътибор қаратмаган эканлар...

Ҳарбий хизматчилар орасида ҳам ардоқ топиб келаётган ушбу санъат тури ҳали капитан Азиз Матёқубов каби кўплаб истеъдодларни юзага чиқаришига, шубҳа йўқ.

Алибек АНВАРОВ

МАЛАКА

ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК МАКТАБИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги Ҳарбий-ватанпарварлик кенгашининг «Ёшлар камолоти ва ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!» мавзуидаги йиғилиши ўтказилди.

Унда журналистлар, жумладан, айни йўналишга ихтисослаштирилган таҳририят вакиллари, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳарбий журналистика йўналиши талабалари, ўқитувчилар иштирок этди.

Йиғилишда ортда қолган 2019 йилда кенгаш томонидан амалга оширилган ишлар, олдда турган муҳим масалалар, муаммолар ва жорий йилга мўлжалланган режалар хусусида фикр алмашилди. Очиқ мулоқот ва савол-жавоб тарзида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Холмурод Салимов, уюшма қошидаги Ёш журналистлар кенгаши раиси Фахриддин Каримов, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги Ҳарбий-ватанпарварлик кенгаши раиси, захирадаги полковник Алижон Сафаровнинг маърузалари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

– Президентимизнинг тегишли фармойишига кўра, Ватан ҳимоячилари куни бу йил «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!» шиори остида республикамиз бўйлаб кенг тантана қилиняпти, – дейди Алижон Сафаров. – Ушбу умумхалқ байрамини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масаласи кенгашимиз томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Таҳлилларга кўра, ахборот сайтлари ва телевидение бошқа ОАВ турларига нисбатан етакчилик қилмоқда. Шу ўринда танқидий фикр-мулоҳаза билдирган бўлардимки, Ватан ҳимоячиси, миллий армия, Қуролли Кучлар ҳақидаги мавзуларга янада таҳлилий ёндашиб, давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони ташаббуси билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг маъно-мазмунини жамоатчиликка кенгроқ етказиб бериш учун унинг моҳиятига чуқурроқ кириб боришимиз керак. Мисол учун, 2019 йилда Ҳарбий қасамёд янги қонун асосида Ватанга қасамёд тарзида қабул қилинди. Бундан ташқари, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш киритилди. Унинг замирида қандай мазмун борлигини жамоатчиликка батафсил тушунтириш зарур. Қолаверса, кенг ва таъсирчан имкониятларга эга теле ва радиоканалларда армиямизнинг жанговар салоҳиятига оид материаллар кўпроқ берилса, ўзбек ҳарбий

Муаллиф суратга олган

хизматчилари дунёнинг энг ривожланган армиялари сафида хизмат қилаётган ҳарбийлардан кам эмаслиги дала-ўқув машғулотларидаги очерклар мисолида кўрсатилса, айни муддао бўлар эди. Боиси, ортда қолган йилда улар Буюк Британияда ўтказилган «Кембрия патрули» мусобақасида яна энг юқори маррани эгаллади. Ёки 2019 йили Россияда ўтказилган армия ўйинларининг «Танк биатлони» мусобақасида ўзбек армияси вакиллари 1-ўринни олгани замирида нима ётганини таҳлил қилиш, халқимизга Ватан ҳимоячиларининг бугунги қиёфаси, орзу-истаклари, интилиши, юртини қанчалар севиши, касбини қандай ардоқлаши каби масалаларни олиб чиқишимиз керак, деб ўйлайман. Шу нуқтаи назардан бугунги анжуман бўлғуси ҳарбий журналистлар учун ватанпарварлик ва маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ, «Vatanparvar»

МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Юртимизда ёш авлодни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, маънавиятини юксалтириш ва жисмоний баркамол бўлиб улғайишига катта аҳамият берилмоқда. Бундай эзгу ишлар Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши тасарруфидаги Амударё тумани ўқув-спорт техника клубида (ЎСТК) ҳам изчил амалга оширилянти.

ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУЛАРИ ШАКЛЛАНТИРИЛМОҚДА

Бу ерда ёшларни ижтимоий фойдали ҳамда оммавий ватанпарварлик ишларига жалб этишга алоҳида эътибор қаратилади. Президентимизнинг 2019 йил 13 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши ижроси доирасида «Ватанпарварлик ойлиги» давомида «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!» шиори остида турли маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари ҳамда спорт мусобақалари ташкиллаштирилди.

Туман ўқув-спорт техника клуби жамоаси мамлакатимиз келажаги саналган ёшларимизни элимизга садоқатли, халқимизга меҳрибон, жисмонан бақувват, соғлом ва баркамол этиб вояга етказишдек хайрли ишларда фаоллик кўрсатяпти.

– Ташкилотимизда оммавий касбдаги кўплаб техник мутахассислар тайёрлаб келинмоқда, – дейди ЎСТК бошлиғи Шуҳрат Камолов. – Шунингдек, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни ташкил этиш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш бўйича ўтказилаётган тадбирлар самарадорлигини оширишга айниқса, «Ватанпарварлик ойлиги» давомида яна ҳам кенг эътибор қаратилди.

Ўтган йил 700 нафар «В», «ВС» тоифали ҳайдовчи мутахассислар тайёрланиб, белгиланган режа ортиғи билан бажарилди. Ҳаво милтиғидан ўқ отиш бўйича туман ва Қорақалпоғистон Республикаси миқёсида ўтказилган мусобақаларда спортчиларимиз фаол қатнашиб, умумжамоа ҳисобида фахрли ўринларни эгаллади. Спорт билан мунтазам шуғулланишда шарт-шароитларнинг, турли секцияларнинг доимий ишлаб туриши ҳам муҳим омил бўлмоқда. Ҳаво милтиғидан

ўқ отиш, ёзги биатлон каби секцияларда 50 нафардан ортиқ ёшлар мунтазам шуғулланиб келишади. Турли спорт анжомларининг олиб келиниши ҳам амалий спорт турларининг кенгайишида қўл келяпти.

«Ватанпарвар» ташкилоти умумтаълим мактабларида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, мудофаа ишлари бўлими билан ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказиб келаётгани эртамиз давомчиларида ҳарбий-ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Акбар АЛЛАМУРОДОВ

СПОРТ

МАВСУМ САРҲИСОБИ

2019 йилги спорт мавсуми ўз поёнига етди. Ўзбекистон спортчилари ушбу мавсумда 175 та халқаро мусобақаларда иштирок этиб, 175 та олтин, 156 та кумуш, 183 та бронза, жами 514 та медални қўлга киритишди. Бу муваффақиятларда MVSK (Mudofaa vazirligi sport klubi) аъзоларининг улуши катта, яъни улар 99 та олтин, 82 та кумуш, 90 та бронза, жами 271 та медалга сазовор бўлишди.

Аввало шуни қайд этиш лозим, 2019 йилда Ўзбекистонда 20 га яқин халқаро мусобақалар ташкил этилди ва уларда дунёнинг 4 минг 100 нафардан зиёд етакчи спортчилари иштирок этди. Ушбу нуфузли мусобақаларнинг 5 таси жаҳон чемпионати ва жаҳон кубоги мусобақалари бўлиб, уларни ўтказиш учун жуда катта маблағ сарфланди, ғолиб ва совриндорлар эса муносиб тақдирланди. Юртимиз спорт мухлислари ушбу воқеликлардан хурсанд бўлишди, мамлакатимиз дунё спорт айвонида тобора юксалаётганидан фахр-ифтихор туйғусини ҳис қилишди.

2019 йилги мавсум олдидан ва мобайнида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги атлетларимиз Токиода ўтказиладиган ёзги Олимпия ҳамда Паралимпия ўйинларига пухта тайёргарлик кўриши юзасидан ҳам кенг кўламли ишларни амалга оширди. Хусусан, мамлакатимизда фаолияти яхши йўлга қўйилган 25 та спорт тури бўйича 420 нафар етакчи спортчилар танлаб олинди ва уларни мусобақаларга муносиб тайёрлаш ҳамда олимпия йўлланмаларини қўлга киритиши учун юртимиз мураббийларидан ташқари хориждан яна 13 нафар мутахассис жалб этилди. Лицензияларни қўлга киритиш жараёнини муҳокама қилиб бориш тизими яратилиб, спортчилар тегишли 15 та вазирлик, 13 та идора ва 11 та ташкилотларга бириктирилди. Натижалар эса ёмон бўлмади. Хусусан, 2018 йилги мавсумда юртимизнинг 572 нафар вакили 143 та халқаро мусобақаларда қатнашиб, 160 та олтин, 142 та кумуш, 114 та бронза, жами 416 та медалга эга чиқишган бўлса, 2019 йилги мавсумда 943 нафар спортчи халқаро майдонда юртимиз шарафини ҳимоя қилди ва улар жами 514 та медаль жамғарди *(Изоҳ: 2019 йилнинг сўнгги, яъни декабрь ойидаги мусобақалари натижаси ҳисобга олинмаган).* Қизиғи, атлетларимиз ўзлари қатнашган 175 та халқаро мусобақанинг 175 та олтин медалига сазовор бўлишди. Шунингдек, юртимиз байроғи халқаро майдонда спортчиларимиз муваффақиятлари эвазига яна 339 марта баланд кўтарилди, яъни жаҳоннинг турли бурчакларида ўтказилган нуфузли мусобақаларда 156 та кумуш ва 183 та бронза медали юртимиз спортчилари ҳисобига ёзилди.

Яна бир муҳим жиҳат, ортда қолган мавсум давомида 32 нафар спортчимиз Олимпия ва Паралимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди, яъни йўлланма соҳибига айланди. Ўзбекистон спорти тарихида илк маротаба бешкураш (А. Фахрутдинова ва А. Савкин) ҳамда велосипед спортининг шоссе йўналиши бўйича (О. Забелинская) вакилларимиз Олимпия ўйинларида иштирок этадиган бўлди. Шунингдек, ўзбек спорти тарихида улкан муваффақиятлари билан из қолдираётган гимнастикачимиз Оксана Чусовитина ўз фаолияти давомида саккизинчи марта (!) Олимпия лицензиясига эга бўлганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Юртимиз спортчиларининг халқаро майдонда эришаётган муваффақиятларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 1993 йилда ташкил этилган ва мамлакатимиз армиясининг спорт маркази, миллий терма жамоаларимизнинг таянч устуни сифатида самарали фаолият юритиб келаётган Марказий ҳарбий спорт клуби (МҲСК, эндиликда Mudofaa vazirligi sport klubi – MVSK) вакилларининг улуши доим юқори бўлган ва бундан 2019 йилги спорт мавсуми ҳам мустасно эмас. Йигирмадан ортиқ спорт тури бўйича халқаро мусобақалар, қитъа ва жаҳон чемпионатлари, кубок баҳсларида иштирок этган MVSK аъзолари 99 та олтин, 82 та кумуш, 90 та бронза, жами 271 та медалга эга бўлишди. Буни бироз бошқача изоҳлаганда, **2019 йили армиямиз спортчилари дунё ареналарида юртимиз байроғи 271 марта юқори кўтарилишига, 99 марта давлатимиз мадҳияси янграшига сабабчи бўлишди ва бу орқали ёшларимизнинг миллий ғурурини юксалтиришга, ўз навбатида, уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилишди.**

Яна шуни алоҳида эътироф этиш жоиз, йилдан-йилга самарали фаолият юритиб келаётган MVSK халқаро майдондаги муваффақиятлар сермаҳсуллиги бўйича 2018 йилги мавсумда ўзининг энг юқори кўрсаткичларини (103 та олтин, 104 та кумуш, 64 та бронза, жами 271 та медаль) намойиш этганди, 2019 йилги спорт мавсумида бу рекорд такрорланди, яна 271 та медаль. Энг яхши муваффақиятлардан бири таэквондочиларга тегишли бўлди. Таэквондо (WT) бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари 2019 йилги спорт мавсумида халқаро мусобақаларда 24 олтин, 17 кумуш ва 29 бронза, жами 70 та медалларни қўлга киритишди. Бу муваффақиятларда MVSK аъзолари Нигора Турсунқулова (-67 кг), Улуғбек Рашитов (-55 кг), Ниёз Пўлатов (-63 кг), Жасурбек Жайсунов (-68 кг), Никита Рафалович (-80 кг) ва Дмитрий Шокиннинг (+80 кг) ҳам муносиб улуши бор. Халқаро тоифадаги спорт устаси, 2018 йилги Осиё ўйинларининг ғолиби Никита Рафалович шу йил Токиода ўтказиладиган XXXII ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланмани ҳам нақд қилиб қўйди.

Мамлакатимизнинг энг етакчи Олий маҳорат спорт мактабларидан бири ҳисобланган MVSKда 20 тадан ортиқ спорт тури бўйича 18 та йўналишдаги фаолият, яъни баскетбол, бокс, дзюдо, енгил атлетика, камондан отиш, кураш, мерганлик (ўқ отиш), оғир атлетика, регби, самбо, сув полоси, таэквондо, теннис, трамполин, шарқ якка курашлари ва ҳарбий-амалий спорт (армреслинг, жиу-житсу, универсал жанг, қўл жанги, тош кўтариш), эркин кураш, эшкак эшиш (байдарка ва каноэ) ва юнон-рум кураши билан шуғулланиш йўлга қўйилган. MVSK аъзолари 2019 йилги мавсумда ана шу спорт турлари бўйича халқаро ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда жами 857 та медалга сазовор бўлишди. Шундан 246 та олтин, 180 та кумуш, 160 та бронза, жами 586 та медалга мамлакат миқёсидаги мусобақаларда эришилди. Энг кўп совринлар енгил атлетика, эшкак эшиш, камондан отиш, шарқ яккакурашлари, мерганлик ва дзюдо спорт турлари бўйича баҳсларда қўлга киритилди.

2020 йилги спорт мавсуми ҳам бошланди. Юртимиз ва MVSK етакчи спортчилари зиммасидаги асосий вазифа имкон қадар кўпроқ XXXII ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланмалар олиш ва тўрт йилда бир марта ўтказиладиган дунёнинг энг нуфузли мусобақасида Ватанимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилиш. Бу йўлда уларга омад тилаймиз.

Расул ЖУМАЕВ,
«Vatanparvar»

ДЗЮДО

ТОШКЕНТ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ МЕЗБОНИ

Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) президенти Мариус Визер ўтган ҳафтада расмий ташриф билан юртимизга келди ва Тошкент шаҳрини дзюдо бўйича 2021 йилги жаҳон чемпионати мезбони сифатида эълон қилди.

Мамлакатимиз спортчилари мустақил делегация сифатида ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этишни 1996 йили Атлантада бошлаган ва вакилларимиз олимпия ўйинларининг биринчи медалини айнан дзюдо бўйича баҳсларда қўлга киритишганди. Эндиликда Ўзбекистон Халқаро дзюдо федерациясининг энг фаол аъзоларидан бири ҳисобланади, ўз навбатида, ёш кадрларимиз IJF тизимларида фаолият кўрсатмоқда. Бу юртимизда дзюдони янада оммавийлаштириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этяпти.

Халқаро дзюдо федерацияси президенти Мариус Визернинг ташрифидан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон ва Халқаро дзюдо федерацияси ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш, «Дзюдо мактабларда» дастури доирасида икки томонлама Меморандум имзолаш ва 2021 йилги жаҳон чемпионати мезбонлигини мамлакатимизга топширишдан иборат эди. IJF президенти юртимизга тунда ташриф буюрди ва эртаси куни Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасида белгиланган барча тадбирлар бўлиб ўтди. Аввалига халқаро дзюдо федерациясининг «Дзюдо мактабларда» дастури юзасидан тўрт томонлама Меморандум имзоланди. Шу кунгача юртимиздаги 20 та мактабда дзюдо тўгараклари фаолият юритган бўлса, энди Меморандумга кўра улар сони 40 тага етказилади. Ушбу мактаблар қошида ташкил этиладиган тўгаракларда жами 900 нафарга яқин ўқувчиларнинг дзюдо билан мунтазам шуғулланиши таъминланади. Халқаро дзюдо федерацияси 40 та мактабга татами ва кимоно тақдим қилади ҳамда мураббийларга маош тўлайди. Бу эса Ўзбекистонда дзюдо спортининг янада ривожланишига, ўқувчиларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишларига имкон беради.

Шундан сўнг кун тартибидан ўрин олган асосий мавзуга ўтилди. Мариус Визер Тошкент шаҳрини 2021 йилги дзюдо бўйича катталар ўртасидаги жаҳон чемпионати мезбони сифатида эълон қилди. Пойтахтимиз илк бора дзюдо бўйича энг нуфузли мусобақага мезбонлик қилади. Келаси йилнинг сентябрь ойида кўптармоқли «Ҳумо Арена»да жаҳон чемпионати ҳамда IJFнинг йиллик Конгресси ўтказилади.

Тадбир сўнгида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ташкил этилди. Унда Мариус Визер ва Ўзбекистон дзюдо федерацияси раҳбари Азизжон Камилов мавзу юзасидан журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб беришди.

– Аслида 2021 йилги жаҳон чемпионати Австрия пойтахти Вена шаҳрида ўтказилиши керак эди, – деди Мариус Визер. – Лекин у ердаги сиёсий вазият, аниқроғи сиёсатнинг спортдан холи эмаслиги қароримизни ўзгартиришга сабаб бўлди. Биз бошқа спорт федерациялари қатори сиёсатнинг спортга аралашувига қаршимиз. Бу орада биринчилардан бўлиб Ўзбекистон жаҳон чемпионати мезбонлиги учун ўз номзодини илгари сурди. Биз федерация раҳбари Азизжон Камилов билан Будапештда учрашиб, бу борада гаплашиб олгандик. Мана бугун мамнуният билан 2021 йилги жаҳон чемпионати Тошкентда ўтказилишини эълон қиламиз. 2022 йилги жаҳон чемпионати Венгриянинг Будапешт, 2023 йилги чемпионат эса Қатар пойтахти Доха шаҳрида ўтказилади.

– Ўтган йили «Ҳумо Арена»да Гран-при турнири юқори савияда ташкил этилди, – деди А.Камилов. – Буни мусобақага келган меҳмонлар ҳам эътироф этишди. Халқаро дзюдо федерациясининг жаҳон чемпионати мезбонлигини пойтахтимизга бериш қарорига келишига ҳам айнан шу омил сабаб бўлди, деб ўйлайман. Қолаверса, юртимиз бундай катта мусобақаларни ўтказишда етарли тажрибага эга. Ишонч билан айтаман, дзюдо бўйича 2021 йилги жаҳон чемпионатини ҳам юқори даражада ўтказамиз.

Миллий олимпия қўмитасидаги расмий тадбирлар якунига етгач, IJF президенти Ўзбекистон дзюдо федерациясига ташриф буюрди. Мариус Визер ёш дзюдочилар билан учрашиб, уларга Халқаро дзюдо федерациясининг совғалари, яъни киманолар улашди. Ўз навбатида, анъаналаримизга биноан Азизжон Камилов меҳмонга зарбоп тўн ёпди. Шу тариқа, Халқаро дзюдо федерацияси президентининг юртимизга ташрифи якунланди ва мартабали меҳмон ўша куни Истанбул орқали Будапешт шаҳрига жўнаб кетди.

Эътибор берсангиз, 2019 йилда газетамиз спорт саҳифаларида дзюдо бўйича мақола ва хабарларга кўпроқ ўрин ажратилган. Чунки Ўзбекистон дзюдочилари халқаро мусобақаларда муносиб қатнашган ва эришилган муваффақиятларнинг асоси MVSK (Mudofaa vazirligi sport klubi) аъзоларига тегишли бўлган. Ҳа, Ўзбекистон миллий терма жамоасининг етакчи дзюдочилари айнан MVSK вакилларидир. Юқоридаги хушхабар MVSK спорт мухлисларини ҳам қувонтирди. Келгуси йили «Ҳумо Арена» дунё дзюдо юлдузларини ўзида жам қилади ва уларга қарши беллашувларда MVSKнинг етакчи дзюдочилари Диёрбек Ўрозбоев (- 60 кг), Сардор Нуриллаев (-66 кг), Ғиёсжон Бобоев (-73 кг), Давлат Бобонов (-90 кг), Яҳё Имомов (-90 кг), Шерали Жўраев (-100 кг), Муҳаммадкарим Хуррамов (-100 кг), Бекмурод Олтибоев (+100 кг), Диёра Келдиёрова (-52 кг), Амина Мамедова (-57 кг) ва Гулноза Матниязовани (-70 кг) ҳам кўрамиз. Юртимиз мезбонлик қиладиган жаҳон чемпионатида уларга муваффақият тилаймиз.

Р. ЭРМУҲАММАД

ТЕННИС

Ёшлар ўртасида очиқ турнир

Мудофаа вазирлиги спорт клубида Ўзбекистон теннис федерацияси билан ҳамкорликда Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 28 йиллиги муносабати билан 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида очиқ турнир ташкил этилди.

Нафосатли ва жозибали спорт турларидан бири – теннис бўйича беллашувлар қизиқарли ва муросасиз кечди. Шунингдек, турнирда бир қанча истеъдодли спортчилар аниқланиб, келажакда Мудофаа вазирлиги спорт клуби захирасини шакллантириш учун тавсия этилди.

Қизлар ва ўғил болалардан иборат теннисчилар яккалик баҳсларида ўз маҳоратларини намоён этиб, энг муносиблар финалга чиқди.

Унга кўра натижалар қуйидагича тақсимланди:

Ўғил болалар ўртасида

биринчи ўрин – Нурзод Қосимов;
иккинчи ўрин – Исфандиёр Маҳмудов;
учинчи ўрин – Илья Игнатов.

Қизлар ўртасида

биринчи ўрин – Каринэ Русланова;
иккинчи ўрин – Карина Жумаева;
учинчи ўрин – Софья Волкова.

Ғолиблар диплом, кубок, медаль ва қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилди. Уларни тақдирлаш муносабати билан ташкил этилган тантанали тадбирда ўз даврида жаҳоннинг энг кучли ракеткачилари сафидан муносиб ўрин эгаллаган машҳур спортчи, Ўзбекистон теннис федерацияси бош котиби сифатида фаолият кўрсатаётган Ирода Тўлаганова, Мудофаа вазирлиги вакиллари, ҳарбий хизматчилар ва спортчилар иштирок этди.

– Турнирда ғолибликка эришганимдан мамнунман, – дейди Нурзод Қосимов. – Келажакда Мудофаа вазирлиги спорт клуби аъзоси бўлиш ва ўз устимда янада кўпроқ ишлаб, Ватанимиз шарафини халқаро мусобақаларда ҳимоя қилиш ниятидаман.

Подполковник Ёшин ҲАКИМОВ, «Vatanparvar»

ХОРИЖ АРМИЯЛАРИ

ГЕРМАНИЯ ҲАВО ДЕСАНТИ ҚЎШИНЛАРИ

Европа марказида, Шимолий ва Болтиқ денгизлари соҳилида жойлашган, нафақат «кўҳна қитъа»нинг, балки жаҳоннинг энг ривожланган давлатларидан бири – Германия Федератив Республикаси Қуролли Кучлари ўз жанговар қобилияти, замонавий ҳарбий техника ва қуроллар билан таъминланиш даражаси, ҳарбий соҳага ажратиладиган сарф-харажатлар миқдори бўйича дунёнинг етакчи армияларидан бири ҳисобланади.

Мамлакат миллий армияси асосини ташкил этувчи Қуруқликдаги қўшинлар таркибидан жой олган Ҳаво десанти қўшинлари мустақил равишда жанговар ҳаракатлар олиб бориш (шу жумладан, номунтазам қуролли уюшмаларга қарши), душман ичкарисида турли операциялар ўтказиш, махсус вазифаларни бажарувчи кучларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, қидирув-қутқарув тадбирларида иштирок этиш учун мўлжалланган.

Ташкилий жиҳатдан умумий сони деярли 5 минг кишидан иборат бўлган қўшин таркибига штаб ва штаб ротаси, иккита парашют-десант полки, разведка ва муҳандис-сапёрлар ротаси киради. Парашют-десант полклари бир хил қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган ҳамда бир-бирига ўхшаш тузилмага эга. Улар штаб ва ўнта рота, яъни штаб ва таъминот, 3 та парашют-десант, 2 та кучайтирилган парашют-десант, оғир қуроллар билан шуғулланувчи парашют-десант, фронторти таъминоти ҳамда санитар-рекрутлар ротасидан ташкил топган. Парашют-десант полклари ихтиёрида ATF2 «Динго» ва «Визель» MK20 типидаги зирҳли транспортёрлар, 120 мм.ли ўзиюрар миномётлар, «Тоу» ва «Милан» типидаги танкка қарши бошқарилувчи ракета комплекслари, шунингдек бошқа ёрдамчи ва махсус техникалар бор.

Парашют-десант ротаси (160 киши) таркибидан 4 та парашют-десант взводи ва 3 та бўлинма, яъни снайперлар, АГС ҳамда танкка қарши кураш олиб борувчи бўлинмалар жой олган. Кучайтирилган парашют-десант ротаси махсус вазифаларни бажарувчи кучларни тайёрлаш дастури бўйича таълим олган шахсий таркиб билан бутланган. Полк роталари ҳаракатини ўт очиш орқали қўллаб-қувватлашни таъминловчи оғир қуроллар парашют-десант ротаси таркибидан 6 та взвод: 3 та парашют-десант, танкка қарши, миномёт ва қўшин турларини ўт очиш орқали қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштирувчи взводлар жой олган.

Ҳаво десанти қўшинлари ҳаракатини разведка маълумотлари билан таъминловчи разведка ротаси бошқарув бўлими ва 7 та взвод (2 та разведка, 2 та ички разведка, 2 та разведкачи учувчисиз учиш аппаратлари ва 1 та радиолокацион разведка взводлари)дан таркиб топган. Разведка ротаси тасарруфида «Феннек» типидаги жанговар разведка машиналари, 6 та ATF2 «Динго» типидаги зирҳли транспортёр, разведкачи учувчисиз учиш аппаратлари ва кўчма радиолокация станциялари бор. Ички разведка взводи асосий кучлардан алоҳида равишда душман ичкарисида махсус вазифаларни бажариш учун мўлжалланган. Взвод таркибида ҳар бири 6 киши (командир, оптоэлектрон тизимлар оператори, разведкачи-санинструктор, авианаводкачи, снайпер-разведкачи ва радист)дан иборат бўлган 2 та гуруҳ бор.

Ҳаво десанти қўшинлари Боинг-707, С-140, С-160, CH-53, NH-90 типидаги ҳарбий-транспорт самолётлари ва вертолётлари, шунингдек, қўшин зиммасига юкланган вазифаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шахсий таркиб террорчиларга қарши, сув остида, кичик ва катта баландликлардан десант туширишда фойдаланиладиган турли аслаҳа-анжомлар билан таъминланган. Алоҳида ҳолатларда десантчига ташланган нуқтадан 40 км.гача узоқликда 100 кг юк билан ерга қўниш имконини берувчи учувчи қанот типидаги парашютлардан фойдаланилади. Юкларни тегишли жойга етказиш учун уларни 80 метр баландликдан ташлаш имконини берувчи учта парашютдан иборат бўлган автоматик парашют тизими кенг қўлланади.

Ҳаво десанти қўшинлари шахсий таркиби тайёргарлигига (айниқса кучайтирилган парашют-десант роталарини бутлашда) юқори талаблар қўйилади. Тайёргарликнинг умумий курси қўл жанги усуллари, турли типдаги қуроллардан ўт очиш техникаси, дала (тоғ) шароитлари ва аҳоли пунктларида ҳаракатланиш тактикаси, душман ичкарисида тирик қолиш усулларини ўргатиш каби таълим турларини қамраб олган. Имтиҳонларни муваффақиятли топширган ҳарбий хизматчилар ихтисослашган жанговар тайёргарлик курсларида, шу жумладан индивидуал режа асосида таълим олади. Шахсий таркиб танланган ихтисосга боғлиқ тарзда снайперлик, ҳарбий-тиббий, шунингдек техник тайёргарлик (радиолокация станциялари, радиостанциялар ва ҳ.к.лар билан ишлаш) курсларида шуғулланади. Турли иқлим зоналарида тирик қолиш ва ҳаракатланиш кўникмаларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилади.

Ҳаво десанти қўшинларини қурол ва жанговар техниканинг истиқболли намуналари билан таъминлаш мақсадида Германияда универсал жанговар транспорт платформасини яратиш ишлари олиб борилмоқда. Янги жанговар разведка машинаси 2024 йилдан бошлаб етказиб берилиши режалаштирилган. Шу билан бир вақтда десант бўлинмалари шахсий таркиб ҳамда қурол-яроғ ва жанговар техникани хавфсиз равишда десант қилиб туширишга қодир бўлган десант-туширишвоситаларининг янги моделлари билан жиҳозланади. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда миномёт платформасининг янги вариантига айланиши режалаштирилган «Вольф» типидаги автомобиль синовлари ўтказилмоқда. Шу билан биргаликда, бу турдаги қўшинлар учун душманнинг 1,5 км.дан 8 км.гача бўлган узоқликдаги объектларини яксон қилишга қодир бўлган миномётлар, шунингдек турли типдаги гранатомётлар, снайпер милтиқлари ва пулемётларни ишлаб чиқиш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Шу тарзда, Германия Ҳаво десанти қўшинлари миллий ва коалицион хавфсизликка нисбатан эҳтимолий таҳдидларга қаршилик кўрсатиш, шунингдек турли қуролли тўқнашувларда (шу жумладан, мамлакат ҳудудидан ташқарида) фойдаланиш учун мўлжалланган, ҳар томонлама яхши тайёрланган ва замонавий қурол-яроғ ҳамда жанговар техника билан таъминланган бўлинмаларга эга эканлигини таъкидлаб ўтиш мумкин.

П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

ЖАҲОНДА

БАЛЛИСТИК РАКЕТА СИНОВИ

Ҳиндистон сув ости кемалари учун К-4 баллистик ракетасини муваффақиятли синовдан ўтказди, деб хабар берди ҳукумат манбаларига иқтибос келтирган ҳолда ANI ахборот агентлиги.

К-4 баллистик ракетаси ўрта масофаларга мўлжалланган бўлиб, турли жанговар каллакларни, жумладан ядровий каллакни таший олади. Уни Ҳиндистон мудофаа тадқиқотлари ва ишланмалари ташкилоти «Арихант» синфидаги сув ости кемалари учун ишлаб чиқаради. Ракеталарнинг максимал учиш масофаси 3500 км.ни ташкил қилади.

АЁЛЛАРДАН ИБОРАТ БЎЛИНМА

Саудия Арабистони Қуролли Кучларида фақат аёллардан иборат биринчи ҳарбий бўлинма ўз фаолиятини бошлади, дея хабар берди Arab News.

Саудия Арабистони қироли Салмоннинг ўғли шаҳзода Муҳаммад тахт вориси бўлгандан буён қироллиқда жуда кўп ўзгаришлар амалга оширилди. Бу, биринчи навбатда, аёлларнинг жамиятдаги ўрнига таъсир кўрсатди. Аёлларга машина бошқаришга, спорт мусобақаларини томоша қилиш учун майдонларга боришга, армия ва полицияда хизмат қилишга ижозат берилди.

РАКЕТАЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИЛДИ

Россия Туркияга С-400 зенит-ракета мажмуаси дивизионлари билан бирга 120 тадан кўпроқ бошқарилувчи ракета етказиб берган. Бу ҳақда ТАСС ахборот агентлигига ҳарбий-дипломатик манба хабар берди.

Таъкидланишича, С-400нинг қабул қилинган топширилгани ҳақидаги далолатнома Туркия ва Россия вакиллари томонидан 2019 йил декабри бошида имзоланган. Ҳужжат имзолангач, Россия томонидан С-400га 20 ойлик кафолатланган хизмат кўрсатиш банди кучга кирган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ҲУҚУҚ

ҲАЛОКАТГА ЭЛТУВЧИ ИЛЛАТ

Ўзбекистон давлат филармониясида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тадбир ўтказилди.

Унда Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондони ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари иштирок этди. Тадбир давомида «Коррупция ва уюшган жиноятчилик – жамиятни емирувчи мудҳиш иллат», «Диний экстремизм ва терроризмнинг тинчлик ва барқарорликка таъсири», «Тажрибасиз ёки маст ҳайдовчи – хавф-хатар ва ҳалокат манбаи» ва «Оиладаги муносабатларда ўзаро ҳурматнинг ўрни ҳамда оилавий зиддиятларнинг салбий оқибатлари» каби мавзуларда мутахассисларнинг маърузалари тингланди, иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Нозима МАМАТОВА

САЙЁР ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛДИ

Бухоро ҳарбий прокуратураси томонидан Давлат хизматлари агентлиги Бухоро вилояти бошқармаси билан ҳамкорликда вилоятнинг олис ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига сайёр хизматлар кўрсатилди.

Унда 200 дан ортиқ ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзолари иштирок этди. Сайёр давлат хизматлари замонавий техник воситалар ва барча қулайликларга эга бўлган махсус жиҳозланган автобусда олиб борилди. Ушбу инновацион хизмат давомида болаларни мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш, солиқ тўловчининг идентификацион рақамини олиш, солиқдан қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш ва шу каби 36 турдан ортиқ тезкор хизматлар кўрсатилди.

Шунингдек, давлат хизматлари марказларининг вазифалари, улар томонидан жисмоний, юридик шахсларга хизмат кўрсатиш тартиби ва турлари ҳақида атрофлича тушунтиришлар ҳам берилди.

Адлия майори Сардорбек ОХУНОВ,
Бухоро ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

Фуқаролар ишга йўлланма олди

Шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда ташкил қилинган мазкур ярмаркада корхона ва ташкилотлар ўзларининг 300 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ярмарканинг 100 дан ортиқ иштирокчисига маълумоти ва мутахассислигидан келиб чиқиб, ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

Шунингдек, тадбир давомида турли соҳа вакиллари иштирокида учрашув ҳам бўлиб ўтди.

Саволлар мутахассислар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва тегишли йўл-йўриқлар берилди.

Адлия капитани Гулчеҳра ТУРСУНОВА,
Чирчиқ ҳарбий прокурори ёрдамчиси

Муаммоларга ечим топилди

Қуролли Кучлар давлат музейида «Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар бошлиқлари ва мансабдор шахсларнинг ваколатлари» мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди.

Унда сўз олган Тошкент ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси адлия подполковниги Дилшод Бойқўзиев қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳақида гапириб, янги қабул қилинган қарор ва қонунлар хусусида тушунча берди.

– Ўтказилган анжуманда ўзимизни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоб олдик. Муаммоларга ечим топдик. Ўйлайманки, бу каби илмий анжуманлар соҳа ривожига катта ҳисса қўшади, – дейди майор Умиджон Ҳасанов.

Шоҳсанам ОДИЛЖОН қизи

ОГОҲЛИК

Кўнгилсизлик мен билан содир бўлмас

деб ўйлаганди улар

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларидан бехабарлик ёки билиб туриб, уларга амал қилмаслик, қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни билмаслик сингари совуққон муносабатлар оқибатида турли даражадаги ёнғинлар келиб чиқмоқда.

Қишнинг совуқ кунларида хизмат ва яшаш хонадонларини иситишда турли хил ностандарт электр қурилмалари, айниқса, қўлбола электр спирал ускунаси (печка)дан фойдаланиш ҳоллари кузатилмоқда. Тўғри, улар ҳамёнбоп. Бироқ уларнинг давлат стандартига жавоб бермаслиги, махсус техник ҳужжати йўқлиги, устки қисмида махсус ҳимоя қопламаси мавжуд эмаслиги, кўп миқдорда электр токини сарфлаши, таг қисми ҳамда электр узатиш симларининг ускуна билан улаш жойлари очиқлиги эътиборсиз қолади. Бунинг қанчалар аянчли оқибатларга сабаб бўлиши, моддий ва маънавий зарар келтириши хаёлимизга ҳам келмайди. Ёнғин содир бўлгач эса... Аммо сўнгги пушаймон – ўзингга душман!

Ёнғинга сабабчи бўлганлар билан кўп суҳбатлашганмиз. Жавоблар турлича, мазмуни умумий – «ҳеч нарса қилмайди, кўнгилсизлик мен билан содир бўлмайди», деб ўйлаганди, улар.

Ишонамизки, сизнинг фикрингиз ёнғиндан зарар кўрганларникидан фарқли.

Подполковник
Зокир КЕНЖАЕВ,
Тошкент гарнизони
ёнғин хавфсизлиги
инспекцияси бошлиғи

МИНТАҚАДА

ЧОРВА ЭКСПОРТИ ТАҚИҚЛАНДИ

Қозоғистон қишлоқ хўжалиги вазирлигига таяниб Tengrinews.kz хабар беришича, мамлакатда чорва экспорти тақиқланди. Чорванинг қайта ишлаш ва қайта сотиш учун оммавий экспорт қилиниши гўшт маҳсулотлари нархи ошишига олиб келган. Бундан ташқари юзага келган вазият Қозоғистонда гўштни қайта ишловчи корхоналар ва мол боқиш майдончалари камайишига олиб келган. Умумий ҳисобда, бу корхоналар 2019 йилда ўз қувватининг ярмигагина ишлаган. Бунга асосий сабаб эса чорва экспорти юқори бўлган вазиятда хом ашё тақчиллиги ҳисобланади.

АЭРОПОРТ РЕКОРДИ ЯНГИЛАНДИ

Ашхобод халқаро аэропорти алюминийдан ишланган энг катта уч ўлчамли томга эга. Бу ҳақда World Record Academy ташкилоти маълум қилди.

Аввалроқ ушбу ташкилот Ашхобод аэропортига қуш кўринишида ишланган энг катта бино учун рекорд натижа қайд этилганди. Ушбу бино қанотларини ёйиб турган лочин кўринишида ишланган. 2016 йилда қурилган аэропорт аввал туркман гиламларида қўлланувчи нақшнинг энг катта тасвири билан Гиннесс рекордлар китобига киритилган. Бу ҳақдаги сертификат аэропорт очилиши вақтида тақдим қилинганди.

КЕНГ ҚАМРОВЛИ МАШҒУЛОТЛАР

Тожикистонда Россия ҳарбийлари радиоэлектрон уруш тизимларидан фойдаланган ҳолда қўриқлаш ва ҳимояланишга қаратилган машқлар ўтказди.

«Россиянинг 201-ҳарбий базаси ҳарбийлари кенг қамровли машғулотлар давомида тураржой ҳудудлари, қурол-яроғ омборлари, «Поле-21» радиоэлектрон комплекс ёрдамида С-300 ракетага қарши мудофаа тизимининг позицияси ва бошқа объектларни ҳимоя қилиш ҳамда ҳаводан разведка қилинишига йўл қўймаслик бўйича машқларни бажарди», дея хабар беради Интерфакс.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ОНЛАЙН СУҲБАТДОШ

«ЖЎХОРИ ГУРТИКНИ, ҚОРА ЧОЙНИ ЯХШИ КЎРАМАН»

ёки «Facebook»да ишлайдиган қорақалпоқ ҳақида

Ижтимоий тармоқлар орқали анъанавий ОАВ кўтара олмаётган «қалтис» муаммолар ҳал бўляпти, десак муболаға бўлмайди. Масалан, «Facebook» ижтимоий тармоғига бир давлат деб қарайдиган бўлсак, ҳозирда у аҳолиси бўйича Хитой давлатини ортда қолдирган бўлар эди. Улардан фойдаланамиз, дўстлар орттирамиз, шахсий саҳифаларимиз орқали ўз кечинмаларимизни ёзиб борамиз. «Vatanparvar» «Facebook»нинг Буюк Британиядаги бош офисида фаолият олиб бораётган қорақалпоғистонлик Азиз Муртазаев билан суҳбат уюштирди.

– Ўқувчиларга сизнинг 1 миллиарддан кўп фойдаланувчиси бўлган «Facebook» ижтимоий тармоғида ишлаш учун қандай «саргузаштли» йўлларни босиб ўтганингиз ҳақида билиш қизиқ ...

– Болалигимдан математикага, ахборот технологияларига қизиқишим баланд эди. Аммо ҳақиқий қизиқиш талабалик даврида дастурлашни бепул ўргатадиган, «Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш» марказида ўқиб юрган пайтларимда бошланган. Бу ерда НЕТ платформаси бўйича дастурлашни ўрганганман. Аввалига дастурчи бўлиб, Тошкентдаги «Мурансофт» компаниясида иш бошлаган бўлсам, кейин Жанубий Кореянинг «Samsung Electronics'» компаниясида ишимни давом эттирдим. У ерда «Android»да ишлаб, «Java»ни асосий дастурлаш тили сифатида фойдаланганмиз. Бугунги кунда «Facebook Lite» маҳсулоти устида ишлайман. Лекин лойиҳаларимда аввал «Phthon» дастурлаш тилидан фойдаланганман. «Facebook»га ишга жойлашишим тўрт босқичли интервью шаклида бўлиб ўтган. Суҳбатларимда ўзим яратган дастурлар, билимларим ва дастурчи сифатидаги тажрибам қўл келган. Охирги суҳбатимда «Facebook» ходими билан «дўстона кофе-брейк» қилганмиз. У мени «Facebook»нинг имкониятлари, дастурлаш тили ва шунга ўхшаш маълумотлар билан таништирган. Кўп вақт ўтмасдан «Android» операцион тизимида ишлайдиган дастурчи-муҳандис бўлиб ишга қабул қилиндим.

– «Facebook»даги муҳит ва иш ҳажми қандай?

– «Facebook»нинг энг яхши томони, ҳеч ким бир-бирининг ишини текширмайди ва энг қизиғи, муҳандислар бир-бирининг лавозимини билмайди. Яъни системада бошқа ишчининг лавозимини билиш мумкин эмас ва ишчи фақат ўз лавозимини кўра олади. Офиснинг маданиятига кўра, ҳар хил лавозим – катта муҳандис, кичик муҳандис кабилар ходимлар орасида муомалага сунъий тўсиқ ясайди, деб ҳисобланади. У ерда аниқ соатли иш вақти белгиланмаган. Бу нормал ҳолат. Хоҳланг, уйда ишланг ёки ишхонада. Менежерни огоҳлантириб қўйсангиз бўлди. Шунингдек, бизга барча ресторан, театр, кино ва ўйингоҳларда 5 кишидан кам бўлмаган жамоа билан юриш

Маълумот ўрнида: Азиз Нукус шаҳрида туғилган, Ўзбекистон Миллий университетининг иқтисодиёт факультетини, сўнг Жанубий Кореянинг Сувон шаҳридаги Аджу университетида магистратура босқичида таҳсил олган.

текинга тушади, чунки компания ўз ҳисобидан тўлаб беради. Бу маданий ҳордиқ чиқариш ва янги ғоялар яратишга, шунингдек бошқа жамоалар билан ўзаро фикр алмашишга сабаб бўлади. Компания ходимлари учун бепул уч маҳал овқат берилади. Ходим тонгда ишга келгач, уни турли хил мева, салат, шарбат, тухумдан қилинган пиширириқлар ва бошқа бир қанча нарсалардан қилинган нонушта кутади. Умуман айтганда, «Facebook»да ишлаш жуда мароқли ва ишим ўзимга жуда ёқади.

– Фойдаланувчи сифатида тармоқда қўйган пост ва расмларимнинг, шунингдек, шахсий саҳифам орқали «яширин» ёзишмаларим хавфсизлиги мен учун муҳим. «Facebook»да техник хавфсизлик қандай?

– Журналистлар билан суҳбатларда бу саволни доим сир тутиб келардим. Майли, сизга айтаман (кулиб). Тўғриси, мен у ерда ишласам ҳам аммо сизнинг шахсий саҳифангизга кира олмайман. Бу ҳақиқат, ҳаттоки Марк Цукерберг ҳам киролмайди! Биласизми, чет давлатларда ҳам инсон ҳуқуқлари биринчи омил сифатида кўтарилган. Сизнинг ҳар қандай ахборотингиз сир тутилади. Агар ходим ваколатини бузиб, фойдаланувчиларнинг ўзига берилмаган маълумотларини қараса, компания учун аввал қилган хизматлари ҳам инобатга олинмай, дарҳол бўшатилади. «Facebook» бошқа ижтимоий тармоқлар ичида энг хавфсиз тармоқ ҳисобланади. Тармоққа қанча киберҳужумлар бўлмасин, аммо улар саноқли сониялар ичида бартараф этилади. Чунки чиндан ҳам бу ерда дунёнинг энг профессионал дастурчилари ишлашади.

Ўзининг ёвуз мақсадларидан тармоқни восита сифатида билиб фойдаланадиган кишилар ҳам йўқ эмас. Чунки «Facebook» дунё миқёсида кенг тарқалган тармоқ. Масалан, биз террорни тарғиб қиладиган барча постларни рақамланган штрих кодлар орқали аниқлаб, ўчириб ташлаймиз ёки блоклаймиз.

– Қайси чет тилларини биласиз?

– Хорижий тиллардан рус ва инглиз тилларини биламан. Жанубий Кореядалигимда корейс тилини анча ўргандим, аммо ҳозир деярли ишлатмаслигим сабаб, эсимдан чиқмоқда. Офисда русча гаплашадиган ходимлар кўп. Улар асосан, Россия ва Украинадан.

– Туғилган юртингиз ҳақида айтиб берсангиз? Болалик хотиралари...

– Нукус шаҳрида туғилдим. Юртимни соғинаман. Инсон қанчалик баланд чўққиларга эришиб, яшаш турмуши осонлашмасин, аммо онаси ёпган патир нонга етмас экан. Тўғри, бу ерда барча орзуларни амалга ошириш мумкин. Аммо дўстларинг билан шаҳар айланиб, баланд биноларга назар ташлаганингда, кўксингнинг бир четида болалик хотиралари уйғонади. Болалигимда Лондонда яшайман, дунёдаги энг машҳур ижтимоий тармоқда ишлайман деб ўйламагандим. Юртимдаги жадал ислоҳотларни эшитиб, қалбим қувнайди. Айниқса, Оролга бўлаётган эътиборни кўриб хурсанд бўлдим.

– Ёш дастурчиларимизга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?

– Ишни энг аввал алгоритмик амалларни яхши бажаришдан бошлаш керак, дастурлаш тилларини яхши ўзлаштириб, муаллифлик лойиҳаларини татбиқ этиш лозим, шунингдек, инглиз ва рус тилларини яхши билиш керак. Мен ҳам оддий талаба бўлганман ва ҳеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Ҳаракат ва билим олиш албатта, ўз натижасини беради.

– «Facebook»нинг янги лойиҳалари ҳақида айта оласизми?

– Кечирасиз, бизда лойиҳалар ҳақида олдиндан айтилмайди. Лекин сиз учун қизиқарли маълумотлардан бирини айтишим мумкин. Ходимлар билан доимий тарзда Марк Цукерберг савол-жавоб сессиясини ўтказади. Барча ходимлар унга қизиқтирган саволларни бериши ва топ-менежмент учун унинг фикрини билиши ажойиб имконият. Шунингдек, у яхшигина мотиватор. У ҳеч қачон ўзини катта компания раҳбаридек тутмайди, ходимлар билан дўстдек мулоқот қилади. Ортиқча расмиятчиликка йўл қўйилмайди. Катта ютуқларга эришган инсонлар аслида жуда самимий бўлишади.

– Келажакдаги мақсадингиз?

– Қисқа қилиб айтганда, «Facebook»да ишлаб турганимда, бу ерда яратилган имкониятлардан иложи борича кўпроқ фойдаланишни хоҳлардим. Бундай имкониятлар эса қуйидагича:

Техник билимлар: Android, Java ва биз бу ерда фойдаланадиган технологияларни чуқурроқ ўрганиш. Ўзим ҳам махсус курслар очиш ниятим бор. Иккинчиси, лойиҳаларни ишлаб чиқиш: бу ерда маҳсулот ишлаб чиқарилишига ёндашишлари жуда ёқади. Битта лойиҳа устида «UX Researcher», «Data Scientist», «Designer», «Contect Strategist», «Product Specialist» ва бошқа платформа дастурчилари ишлашади.

«UX Researcher» маҳсулот фойдаланувчи томонидан қандай фойдаланиши устида ишлайди, «Data Scientist» эса маҳсулот фойдаланилгани ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилади ва ҳисоблайди, «Designer» эса фойдаланиш интерфейсини қилади ва маҳсулот мослигини текширади, «Contect Strategist» маҳсулотда фойдаланилган сўзларга жавоб беради, дастурчилар лойиҳанинг қийинлигини баҳолайди ва тахминлар қилади. Шунингдек, бу ерда қарорлар шунчаки қабул қилинмаслиги, аниқ ҳисоб-китоблар асосида бўлиши менга ёқади.

Қачондир «Facebook»ни тарк этадиган бўлсам, ўзимни катта даражага чиқиш истагида бўлган кичик компания, бирор бир иш бошида синаб кўришни хоҳлардим.

Блиц саволлар:

– Бадиий китоблар ўқийсизми?

– Албатта, Чингиз Айтматовнинг мухлисиман, Ибрайим Юсуповнинг кўпгина шеърларини яхши биламан, жаҳон бестселлерларидан Лев Толстой, Франс Кафканинг асарларини яхши кўраман.

– Энг яхши кўрган ичимлигингиз?

– Ҳар бир қорақалпоқ фарзанди сутли чойни хуш кўрса керак, яъни қорақалпоқларнинг қора чойини яхши кўраман.

– Америка гамбургери ёки қорақалпоқнинг миллий таоми жўхори гуртик...

– Шубҳасиз, жўхори гуртик.

– Сиз учун бахт нима?

– Юртим ва оиламнинг тинчлиги. Ўзим ёқтирган ишда ишлашим.

– Қандай вазиятларда ўзингизни ноқулай ҳис қиласиз?

– Табиатан демократман. Чекловларни ёқтирмайман. Агар кимдир менга буйруқ оҳангида гапирса, ҳеч қачон унинг айтганини қилмайман. Қорақалпоқликларга хос қайсарлик, «ўр кўкирек»лик менда сақланиб қолган.

Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА суҳбатлашди.

ОИЛА ГУЛШАНИ

ҲАРБИЙЛИК МАТОНАТИ, КЕЛИНЛИК МАҲОРАТИ МУЖАССАМ

Бизнинг шарқона тарбиямизда эр-хотин оила устуни бўлса, қайноналар «генерал» мақомига эга. Вазифасини аъло даражада бажаргани учун ҳам улар доим иззатда.

Муаллиф суратга олган

Қуролли Кучлар академиясида ўтказилган «Менинг қайнонам генерал» шоусида ҳам бир қатор қайноналарнинг муносиб эътироф этилгани фикримиз исботидир.

Ушбу шоуда Мудофаа вазирлиги тизимида фаолият олиб борувчи ҳарбий хизматчи аёллар қайноналари билан фаол қатнашди. Ўн кун тасвирга олинган кўрсатувда ҳарбий аёллар уйда қандай келин эканлигини тайёрлаган мазали таомлари орқали кўрсатишди. Ниҳоят, синовларда тобланган иштирокчилар тақдирланди. Унга кўра, биринчи ўринни Қумри Абдураҳмонова ва унинг келини лейтенант Дилшода Раҳимжонова қўлга киритди.

Эл ардоғидаги санъаткорлар куй-қўшиқлар орқали иштирокчиларни табриклади. Аудитория эса уларни олқишлар билан қўллаб-қувватлаб турди.

– Ҳарбийлик матонати, келинлик маҳорати мужассам қизларимиз борлиги инсонни қувонтиради. Чунки юртимизда илгари сурилаётган гендер тенглигида аёлларнинг ҳарбий йигитлар билан елкама-елка хизмат қилаётгани юртимизда яратиб берилаётган қулай шароитдан даракдир, – дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Баситханова.

Дастур сўнгида ғолиб ва иштирокчилар Мудофаа вазирлиги, Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Шоҳсанам НИШОНОВА

ЎЗБЕКИСТОН МУДОФААСИГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ҚИЗҒИН МЕҲНАТ ЖАРАЁНИ...

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Фарғона вилояти кенгаши тасарруфидаги Данғара тумани ўқув-спорт техника клубида (ЎСТК) ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, техник мутахассислар тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини янада юқори савияга кўтариш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Муҳими, ўқув спорт-техника клубида бўлажак ҳайдовчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Маънавият ва маърифат хонаси, автодром, ўқув хоналари, турли русумдаги ўқув-машқ автомобиллари ва бошқа ўқув иншоотлари фаолияти изчил йўлга қўйилган. Шунингдек, ЎСТКда туман ёшларининг жисмоний, маънавий-руҳий жиҳатдан ҳам етук бўлишларига алоҳида эътибор қаратиляпти. Ташкилотда турли спорт мусобақаларини ташкиллаштириш кенг йўлга қўйилган.

– Мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан турли маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ҳамда мусобақалар ўтказилди, – дейди туман ЎСТК бошлиғи Азизжон Шералиев. – Туман мудофаа ишлари бўлими, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Маънавият-тарғибот маркази туман бўлимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар ҳам ана шу муҳим санага бағишланди. Албатта, «Ватанпарварлик ойлиги» доирасида ўтказилган бундай тадбирлар ёшларнинг қалбида она Ватанга муҳаббат ва садоқат ҳиссини, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда муҳим ўрин тутади.

Данғара тумани ўқув-спорт техника клубида оммавий касб мутахассисларини тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш борасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йил мобайнида 1 250 нафар «В», «ВС», «Е», «D» тоифали ҳайдовчилар тайёрлашга эришилди. Ҳаво милтиғидан ўқ отиш, ёзги биатлон каби спорт секцияларида фаолият юритаётган 75 нафар ёш турли мусобақаларда фахрли ўринларни қўлга киритди.

ЎСТК жамоаси таркибида катта меҳнат тажрибасига эга, билимли, ўз ишига моҳир ўқитувчилар ҳамда амалий машғулот усталари талайгина. Тингловчиларнинг имтиҳон ҳайъати қабул қилган синовлардан муваффақиятли ўтаётганликлари ҳам ана шундай устозлар фаолияти ижобий самара бераётганлигидан далолатдир.

Жорий йилда ҳам ташкилотда ҳайдовчилар тайёрлаш борасида машғулотлар қизғин давом эттирилмоқда. Айни пайтда турли русумдаги автомобилларни эпчиллик билан бошқариш, хавфсиз ҳаракатланиш бўйича дарслар олиб борилиб, тингловчиларга назарий ва амалий тушунчалар берилмоқда.

А. АЛЛАМУРОДОВ

ТАҚДИМОТ

«ОЙБЕГИМ МЕНИНГ»

Ватан ҳимоячилари кунини ҳар ким турлича қарши олди. Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигига қарашли ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари қутлуғ сана арафасида тарих билан юзлашиш, адабиётга эш бўлишни ният қилишди. Шу мақсадда улар Ойбек уй-музейига бордилар.

Чингиз РАИМБЕРДИВ суратта олган

Ёзувчининг мўъжазгина ҳовлиси, ижод хонаси, иш столи ва бошқа жиҳозлари бир аср наридан ҳикоя қилади гўё. Нафақат уй-музейдаги буюмлар, балки Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид ҳамроҳлигидаги бир гуруҳ ёзувчи ва шоирлар ҳам Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ҳақида билганлари билан ўртоқлашдилар. Тадбир давомида Зарифа Саидносирова қаламига мансуб «Ойбегим менинг» китобининг рус тилидаги нашри («Мой Айбек») тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Ҳусниябону ЖЎРАЕВА

БИР ЧИМДИМ

Бўш бош сира ҳам бўш эмас, унинг ичи кераксиз нарсалар билан тўла бўлади.

Эрик ХОФФЕР

b-havo

Kun	Harorat	Tavsif
Juma 24 yanvar	+7 °C / +3 °C	yomg'ir / bulutli
Shanba 25 yanvar	+10 °C / -3 °C	yomg'ir / bulutli
Yakshanba 26 yanvar	+2 °C / -4 °C	qor / bulutli
Dushanba 27 yanvar	+6 °C / -2 °C	bulutli / bulutli
Seshanba 28 yanvar	+1 °C / -9 °C	qor / bulutli
Chorshanba 29 yanvar	+2 °C / -8 °C	ochiq havo / Ochiq havo
Payshanba 30 yanvar	+3 °C / -7 °C	bulutli / bulutli

OBHAVO.UZ

КЕЛГУСИ СОНДА:

Чор Россия офицерлари нега Тошкентда Шарқ тилларини ўрганган?

VATANPARVAR

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ

www.mudofaa.uz

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи:
подполковник Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ

Навбатчи:
лейтенант Алибек ОМОНТУРДИЕВ

Саҳифаловчилар:
Рамиз ВАЛИЕВ
Роберт ИСЛАКАЕВ

Мусаҳҳиҳлар:
Зебо САРИЕВА
Сайёра МЕЛИҚЎЗИЕВА

Телефонлар:
71-260-36-50
Факс: 71-260-32-29.

ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Буюртма: г-162
Ҳажми: 6 босма табоқ.
Бичими: А3.
Адади: 36 976 нусха.
Босишга топшириш вақти: 14:00.
Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади.
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
Нашр кўрсаткичи: 114.
Баҳоси: келишилган нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:
100164, Тошкент, Университет кўчаси, 1-уй.